



# МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ

17 (389)

2016 йил 4 май, чоршанба

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

ЎзМТДП Фарғона вилоят кенгаши ташкил этган тадбирда 5 корхонага 135 миллион сўмлик имтиёзли кредит олиш учун сертификат берилди

Халқ депутатлари Сирдарё вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сессияларига ЎзМТДП гуруҳлари ташаббуси билан 7 масала киритилди

Партия Тошкент шаҳар кенгаши ўтказган акцияда ёшларга Шоштепа тарихий ёдгорлиги ҳақида кенг маълумот берилди

## Фракция ҳаёти

### ЎзМТДП фракциясининг изчил фаолияти

электорат манфаатлари ҳимоясига хизмат қилади

Мамлакатимизда амалга ошириляётган демократик ислохотлар жараёнида парламентнинг ўрни ва роли тобора ошиб бормоқда. Яқинда кучга кирган "Парламент назорати тўғрисида"ги қонун эса парламент фаолиятини янги bosқичга кўтариш, унинг назорат функциясини янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади. Таъкидлаш жоизки, мазкур қонунда сиёсий партиялар фракциялари ва депутатлар гуруҳларининг парламентнинг назорат функциясини амалга ошириш жараёнидаги иштироки, ваколат ва вазифалари, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожини, жамият ҳаёти билан боғлиқ муҳим қарорлар қабул қилишидаги ўрни ва роли белгилаб қўйилди. Фракциялар ҳамда депутатлар гуруҳлари Давлат бюджети лойиҳаси, бюджет ижросининг бориши, ҳукумат аъзоларининг ўз фаолияти юзасидан тақдим этилган ахборотлари ва ҳисоботлари бўйича фикр ва тавсияларини билдириши қонуний тартибда янада мустаҳкамланди. Бу эса, ўз навбатида, сиёсий партиялар дастурий вазифаларини ҳаётга татбиқ этиш, ижтимоий қатлами ва электорати манфаатларини муносиб ҳимоя қилишга имкон беради.

ЎзМТДП фракциясининг навбатдаги йиғилишида "Парламент назорати тўғрисида"ги қонун ижросини таъминлаш мақсадида фракциялар ваколатидан келиб чиққан ҳолда муайян ташаббусларни амалга ошириш, бунда, албатта, партия сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифалар нуктаи назардан ёндашиш масалалари муҳокама қилинди.

> 5-бет.

## ЎзМТДП ёшлари



### Озод юртнинг обод гўшаси

ёшлар акцияси навқирон авлодни миллий тикланиш гоёси атрофида бирлаштирмоқда

Халқимиз қадимдан муқаддас зиёратгоҳ ва қадимжоларни табаррук маскан сифатида обод қилиш, тоза-озода сақлаш, улар тарихини чуқур ўрганиш, ёш авлод ўртасида кенг тарғиб қилиш орқали навқирон авлодда аجدодларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратган. Бу эзгу ишлар кўламини истиқлол йилларида янгича маъно-мазмун касб этиб, тобора кенгайиб бормоқда.

Тарихий, маданий ва илмий-интеллектуал меросимизни асраб-авайлаш, бойитиш ва уларни янада кўпайтиришга кўмаклашиш, халқимизнинг олтин мероси ҳисобланган ушбу бойликларни камол топиб келаётган ёш авлод ўртасида кенг тарғиб қилиш, йигит-қизларимизда миллий қадрият, урф-одат ва анъаналарга ҳурмат ҳиссини юксалтиришга кўмаклашиш Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг устувор вазифалари сирасига киради. Мазкур дастурий вазифаларни амалга ошириш мақсадида ЎзМТДП Марказий кенгаши "Ёшлар қаноти" ташаббуси билан қатор тадбир, форум ва акциялар ташкил этиляётир.

Ҳар йили анъанавий ўтказиб келинаётган "Юртим тарихини ўрганаман" шиори остидаги "Тарихдан садо берувчи обод гўшалар" акцияси ёшлар камолоти йўлидаги муҳим лойиҳа сифатида йилдан-йилга янги маъно-мазмун касб этмоқда.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши "Ёшлар қаноти" томонидан Шоштепа тарихий ёдгорлигида ўтказилган акция ҳам ёшлар фаоллиги остида ўтди.

> 2-бет.


## Ушбу сонда:

Партия кўмагида кредит олган корхоналар фаолиятини кенгайтириб, янги иш ўринлари ташкил этиш имконига эга бўлмоқда




> 4-бет.

## Қадимий обидалар ўлкаси



> 7-бет.

## Жаҳонни забт этган чавгон



> 8-бет.

## Миллий ғурур

### Илмли мингни йиқар



Юртимиз ўқувчиларининг халқаро фан олимпиадалари ва танловларда мунтазам иштирок этиб, ўзларининг юксак интеллектуал салоҳияти билан бутун дунё аҳлини ҳайратга солиб келаётгани мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга ошириляётган, ҳар томонлама пухта ўйланган ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳаётий самараларидир.

Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, олдимизда турган эзгу мақсадларимиз — мамлакатимизнинг буюк келажаги ҳам, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятида қандай ўрин эгаллаши ҳам — буларнинг барча-барчаси, авваламбор, янги авлод, униб-ўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқ.

Яратиб берилган имконият ва эътибордан оқилана фойдаланаётган ёшларимиз турли соҳаларда салмоқли натижаларга эришмоқда. Эл-юрт равнақи йўлида ўз салоҳияти ва фаоллигини намоён этаётир.

> 6-бет.

## Қонун кучга кирди

Жаҳон ҳамжамияти тараққиётининг "ўзбек модели" сифатида тан олган ривожланиш йўли мамлакатимизда барча соҳа ва тармоқдаги ислохотларнинг асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Хусусан, ҳокимият тармоқлари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимининг муҳим таркибий қисми бўлган мамлакат парламентининг роли, ваколатлари ва назорат вазифаларини кучайтириш бўйича кенг кўламли ишлар изчил, bosқичма-bosқич амалга оширилмоқда.

### Самарали парламент назорати демократик ислохотлар изчиллигини таъминлайди

Бунинг натижасида парламентнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни ва роли тобора ошиб бораётир. Яқинда қабул қилинган "Парламент назорати тўғрисида"ги қонун парламент фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш, унинг ваколат ва функциялари кўламини кенгайтиришга қаратилган яна бир амалий қадам бўлди.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасининг қўшма йиғилишида Олий Мажлис палаталари, хусусан, партия фракцияларининг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш, уларнинг қабул қилинаётган қонунлар, муҳим ижтимоий-сиёсий, иқтисодий Давлат дастурларининг ижросини сўзсиз таъминлаш борасидаги фаолиятини сифат жиҳатидан янги асосда қуриш лозимлигини алоҳида таъкидлаган эди.

> 5-бет.

## Ташаббус натижа берди

### Шаҳарсозлик кодекси ижроси

худудларнинг янада обод ва фаровон бўлиши, замонавий қиёфадаги иншоотларнинг кўпайишида муҳим ўрин тутди

Истиқлол йилларида шаҳару қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгариб, замонавий уй-жойлар, муҳташам бинолар қад кўтармоқда, тарихий ёдгорликлар, зиёратгоҳлар, маданий объектлар қайта таъмирланмоқда. Айниқса, намунавий лойиҳалар асосида бунёд этиляётган замонавий уй-жойлар қишлоқларимиз кўрகига кўрк бағишлаши билан бирга аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириб, юртдошларимизнинг ҳаётга муносабатини, дунёқарашини ўзгартирмоқда.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг сайловолди Платформасида ҳам бу борада муайян вазифалар белгиланган. Хусусан, уй-жой қурилиши ва инфратузилмани кўллаб-қувватлаш, ёш оилаларга имтиёзли фойзаларда узоқ муддатли ипотека кредитлари ажратиши бундан кейин ҳам тизимли давом эттирилишига кўмаклашиш, қурилиш ва безак ишларида энг яхши хорижий тажриба ва миллий меъморлик анъаналарини кўллаш, тарихий шаҳарларни қайта таъмирлашга доир йирик лойиҳаларни амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

> 3-бет.

"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



Семинар

# Озиқ-овқат хавфсизлиги

аҳоли саломатлиги ва фаровонлиги омили

**Мамлакатимизда аҳоли сифатли ва кенг турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашнинг замонавий тизими яратилган. Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 12 апрелида “Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизimini такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ҳажми ва сифатини янада оширишга хизмат қилади.**

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий ва Бухоро вилоят кенгашлари ҳамкорлигида “Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг миллий стратегияси — аҳоли фаровонлигининг муҳим омили” лойиҳаси доирасида ташкил этилган семинарда мазкур қарордан келиб чиқувчи долзарб вазифалар муҳокама қилинди.

“Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизimini такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ЎзМТДП партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларининг устувор вазифаси” деб номланган семинарда ЎзМТДП Марказий кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, партия Бухоро вилоят кенгаши фаоллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, “Ўзбекзоиқовқатхолдинг” компанияси масъул ходимлари, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар иштирок этиди.

Тадбирда ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари Сарвар Отамуратов маъруза қилди.

— Мустақиллик йилларида мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида кенг қўламли ишловлар амалга оширилмоқда, — деди партия етакчиси. — Озиқ-овқат танқислигининг олдини олиш бўйича дастурлар қабул қилиниб, улар ижроси изчил таъминланди.

Бунинг натижасида озиқ-овқат мустақиллигига эришилди, уларни экспорт қилиш имконияти кенгайди. Давлатимиз раҳбари “Ўзбекистонда озиқ-овқат дастури амалга оширишнинг муҳим захиралари” мавзусидаги халқаро конференциядаги нутқидан ўзбекистоннинг ноёб тупроқ-иқлим шароити, мамлакатимизда қўйилган кўнлар бир йилда ўртача 320 кун бўлиши, тўрт фаслнинг изчил алмашиши кенг турдаги юқори сифатли мева ва сабзавотларнинг асосий навларини етиштириш учун қўлай имкониятларга эга эканлиги, қишлоқ хўжалиги мавсумининг ўзига хос хусусиятларига тўхталиб, бу мамлакатимизда ишончли озиқ-

ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмини кўпайтириш ва турларини кенгайтириш, ишлаб чиқариш ва харид қилиш бўйича ягона тизимни шакллантириш каби вазифалар белгиланган. Партияимиз озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини тубдан яхшилаш, аҳоли саломатлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратади, мамлакатимизнинг ноёб тупроқ-иқлим шароитидан янада самарали фойдаланишни ва бу имконият сифатли мева-сабзавот етиштиришда муҳим аҳамият касб этади, деб ҳисоблайди.

Таъкидлаш жоиз, мазкур қарорга асосан, 2019 йилнинг 1 январига мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узумни қайта ишлайдиган хусусий мулк шаклидаги корхоналар, идоравий мансублигидан қатъи назар, замонавий ускуна ва технологиялар олиб киришда божхона тўловларидан (божхона йиғимларидан ташқари), “Ўзбекзоиқовқатхолдинг” холдинг компанияси таркибига кирадиган қайта ишлаш корхоналари ягона ижтимоий тўловдан ташқари даромад солиғи, юридик шахслар мулк солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар ягона солиқ, давлат мақсадли фондларига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этилди.

Давра суҳбатиде алоҳида таъкидланганидек, ЎзМТДП фракцияси ва маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари соҳага оид қонун, Президентимиз фармон ва қарорлари ҳамда Давлат дастурлари ижросини парламент ва депутатлик назоратига олишлари лозим. Фракция аъзолари озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ва уларни қайта ишлаш билан бевосита боғлиқ ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштириши, қонунларга замон талабларига мувофиқ тарзда, тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиши талаб этилади.

Партия гуруҳлари электротехника манфаатларини муносиб ҳимоя қилиш мақсадида жойларда республикамиз ҳудудига четдан кириб келадиган маҳсулотларни давлат рўйхатидан ўтказиш, қалбакилаштирилган озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, уларни реализация қилиш ва генларни модификациялаш устидан назоратни кучайтиришлари лозими таъкидланди.

Тадбирда ЎзМТДП гуруҳлари халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар доимий комиссиялари ва сессиялари кун тартибига олиб чиқаётган, мамлакатимизда хавфсиз ва сифатли қишлоқ хўжалиги, мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларини етиштириш, айниқса, маҳаллий корхоналарда хавфсиз ва сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқаришни рағбатлантириш йўли билан аҳолининг соғлом овқатланишига бўлган эҳтиёжларини қондириши таъминлаш борасидаги ташаббус-масалалари, улар юзасидан қабул қилинган қарорлар ижроси ҳамда галдаги вазифалар атрофида муҳокама этилди.

Мавзу юзасидан Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгаши ЎзМТДПдан сайланган депутат Тўра Нарзиёев, халқ депутатлари Вобекан туман Кенгаши депутати Наҳиддин Қиличев сўзга чиқди. Яқунда озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида парламент назоратини амалга ошириш, тизимдаги айрим масалаларни ҳал этиш юзасидан тегишли чора-тадбир ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

ЎзМТДП ахборот хизмати

Депутат минбари

# Ислохотлар инсон манфаатларига хизмат қилмоқда

бунда юртимиздаги тинчлик ва осовишталик муҳим асос бўлаётми

**Мамлакатимизда бу йил мустақиллигимизнинг қутлуғ йигирма беш йиллиги кенг нишонланади. Утган чорак аср халқимиз учун азму жиҳоят билан юксак марралар сари дадил одимлаш даври бўлди. Халқ-бери давом этаётган глобал иқтисодий ва молиявий инқирозга қарамадан, кейинги йилларда миллий иқтисодиётимиз жаҳондаги камдан-кам давлатлар қаторида барқарор суръатлар билан ривожланимоқда.**

Бундай юксак кўрсаткичлар Ўзбекистон танлаган, дунёда “Ўзбек модели” дея тан олинган тараққиёт йўлининг нақадар тўғри эканини яна бир бор тасдиқлайди. Зеро, унинг замирида жамиятимизни тубдан ислохот этиш ва демократлаштириш, иқтисодиётни диверсификация

дан олиб келишга мажбур эди. Ўзбекистон киши бошига тўғри келадиган ялпи ижтимоий маҳсулот бўйича собиқ иттифоқда 12-ўринда, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, асосий турдаги маҳсулотларни истеъмоли қилиш жиҳатидан энг охириги ўринларда турарди.



қилиш ҳамда модернизациялаш, ҳақонинг ривожланган демократик давлатлари сабидан жой олишдек олижаноб мақсадлар муҳассам.

Президентимизнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида эришилган ютуқларимиз чуқур таҳлил этилиб, буларнинг барчаси тинчлик-осойишталик, юртдошларимиз меҳнатининг самараси, ташаббуслари натижаси экани алоҳида таъкидланди. Ҳақиқатан ҳам халқаро миқёсда катта нуфузга эга бўлган Жаҳон иқтисодий форуми рейтингига кўра, Ўзбекистон 2014-2015 йиллардаги ривожланиш юқунлари ва 2016-2017 йилларда иқтисодий ўсиш прогнозлари бўйича дунёдаги энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторидан жой олди. Шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳомийлигида мустақил ташкилотлар гуруҳи ва халқаро экспертлар иштирокида 2015 йилда 158 давлатда “Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари” мавзусида ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, мамлакатларнинг ўз фуқароларини бахтли ҳаёт билан таъминлаш қобилиятини ифода этадиган индекс бўйича Ўзбекистон 44-ўринни эгаллади. Айтиш жоиз, юртимиз 2013 йилда бу рейтингда 60-ўринда эди.

Давлатимиз раҳбарининг чуқур ўйланган, жаҳон тажрибаси ва мамлакатимизнинг ички имкониятларидан келиб чиқиб амалга оширган оқилона иқтисодий сиёсати халқимизни ана шундай инқироздан беталофат олиб ўтди. Қишлоқ хўжалигида янги мулкчилик шакллари, бозор муносабатлари жорий этилди. Фермерлик ҳаракати кенг йўл очилди. Одамларнинг ерга, меҳнатга муносабати ўзгарди. Натижада мамлакатимиз қисқа вақтда галла мустақиллигига эришди. Тупроқ унумдорлиги ортирилгани, ерга ишлов беришининг илғор усуллари жорий этилгани, фермер хўжалиқлари замонвий техника билан таъминлангани самарасида галла етиштириш кўлами йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Давлатимиз эришган улкан ютуқлар, дунё ҳамжамиятида катта қизиқиш ва ҳайрат уйғотадиган бу натижалар, аввало, мамлакатимиз аҳолиси, халқимиз фаровонлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Жумладан, 2015 йилда иқтисодиётимизни юқори суръатлар билан барқарор ривожлантиришга эришганимиз аҳоли даромадларини янада кўпайтириш, одамларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш учун мустаҳкам асос яратди. Утган йили бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсия ва стипендиялар 21,9 фоизга, аҳоли жон бошига жами реал даромадлар эса 9,6 фоизга ошди.

Таъкидлаш жоиз, қўлга киритилган барча ютуқлар 2016 йил учун мустаҳкам базасида айланди. Президентимиз белгилаб берган жорий йил ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга назар ташласак, мамлакатимиз бундан буён янада гуллаб-яшнашига ишонч ҳосил қиламиз. Хусусан, 2030 йилга бориб мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ҳажмини камида 2 баробар ошириш вазифаси қўйилгани халқимиз, айниқса, ёшларимиз кўнглини тоғдек кўтарди. Хисоб-китобларга кўра, бунга эришиш учун ҳар йили ўртача йиллик ўсиш суръатлари 4,8 фоиз даражасида бўлиши зарур экан. Кейинги 11 йилда мамлакатимизда ЯИМ ўсиши 8 фоиздан юқори бўлиб келаётганини эътиборга олсак, бу маррага ҳам эришимизга ҳеч қандай шубҳа қолмайди.

Шу ўринда таъкидлаш жоиз, давлатимиз раҳбарининг ҳукумат йиғилишидаги маърузаси, унда келтирилган ҳар бир факт

ва рақамлар хорижий давлатлар вакиллари, эксперт ва мутахассисларнинг катта қизиқиш ва ҳайратига сабаб бўлаётми. Улар Ўзбекистон эришган бугунги натижаларни алоҳида эътибор этмоқда. Хусусан, япониялик Акихико Тамура (“Komatsu”) компанияси хориж бозорлари департаментининг бош менежери шундай дейди: “Ўзбекистон мустақиллик йилларида кучли ва баланслаштирилган иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий тизим яратишда улкан муваффақиятларга эришди. Қўшни мамлакатлар бирламчи хомашё ва материалларни ишлаб чиқаришни қўзғатаётган бир пайтда, Ўзбекистонда аллақачон енгил ва юк автотомобиллари, автобуслар, қишлоқ хўжалиги техникаси, электротехника маҳсулотлар, қолаверса, бошқа турдаги юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Шу жиҳатдан таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон иқтисодиёти минтақадаги энг диверсификациялашган иқтисодиётдир. Ишончимизки, Президент Ислом Каримов томонидан қўйилган 2030 йилгача мамлакат ЯИМда санаот улушининг 40 фоизга олиб чиқишини масаласи ҳукуматимизнинг аниқ мақсадларни белгилаб олганлиги ва узоқни кўра билишини намойиш этади. Ишончимизки, иқтисодиётнинг бундай тинимсиз суръатда ривожланиб бориши шарофати билан барча қўйилган мақсадли вазифаларга олдиндан эришилади.”

Давлатимиз раҳбари узоқни кўзлаб, эртанги гаровидир. Шу боис, юртимиздаги тинчлик, барқарорлик, миллатлараро тотувликни сақлаш — долзарб вазифа саналади. Юртимизда ҳукм сураётган ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва аҳилликни янада мустаҳкамлаш, ёшларимизнинг онги ва қалбини бизга мутлақо ёт бўлган зарарли оқим ва гоғлар таъсиридан, “оммавий маданият” хуружларидан сақлаш, оила-ларда, маҳаллаларда олиб бориладиган тарбиявий ишларни янги босқичга кўтаришни бугун дунёда тобора кескинлашиб, мураккаблашиб бораётган ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда. Бу жараёнда барчамиз фаол иштирок этишимиз, жумладан, ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш, уларнинг маънавий имунитетини мустаҳкамлашга қўмақлашнинг мақсад қилган Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси вакиллари юрт келажиги, бугунги ва эртаси билан боғлиқ бу каби саъй-ҳаракатларда ҳамisha фаоллик кўрсатиши, жонкуяр бўлиши лозим.

Мухтасар айтганда, мустақил тараққиётнинг тўғри танланган йўли, оқилона сиёсат, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти янгидан-янги ютуқлар, ўзгаришлар ва келажакка бўлган мустаҳкам ишонч учун пухта пойдевор яратмоқда. Истиқлол йилларида мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган кенг қўламли ишловларнинг замирида, авваламбор, инсон манфаатлари муҳассам экани гоғтада муҳимдир.

Элдор ТУЛЯКОВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси

ЎзМТДП ёшлари

# Озод юртнинг обод гўшаси

ёшлар акцияси навбодни авлодни миллий тикланиш гоғиси атрофида бирлаштирмоқда

**«Давоми. Бошланиши 1-бетда.»**

Тадбирда сўзга чиққан ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши Иброҳим Қўмитаси девони раҳбари Даврон Сафаров, партия Сергели туман кенгаши раиси Элёр Галаев истиқлол халқимизга факатгина озодлик тўғрисида қолмай, бой тарихий, маънавий-маданий меросимиз, анъана ва урф-одатларимиз, қолаверса, ўзлимизни қайтариб берганини таъкидлади. Бу эса юртимизнинг ҳар бир гўшаси ободлигидан муҳим омил бўлаётми. Бугун мамлакатимизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, юртимиз жамоли ўзгача қиёфа касб этиб бораётми. Айниқса, буюк аждодларимиз мангу қўним тоғнам қуқаддас зиратгоҳлар ўзлимизга мос шарқона меъморий ечим ва услубда сайқал тоғди, кўп асрлик тарихга эга, буюк олим мутафаккирларга бешик бўлган кўҳна ва навқирон шаҳарларимиздаги тарихий обидаларнинг қайта таъмирлангани уларга янғича жило ва кўрқ берди.

Тадбир доирасида ёшларга Шоштепа (Чоштепа) тарихий ёдгорлиги ҳақида кенг маълумот берилди. Шоштепа тепалиги — Тошкент шаҳар ҳудудига қад кўтарган энг қадимги аҳоли маскани ва илк кўрғон — Чокант харобалари кўп қатламли археологик ёдгорлик ҳисобланади. Ёдгорлик Жўнариқнинг чап ва ўнг соҳилида жойлашган бири тик ва балан, иккинчиси яссирак улкан тепалиқлардан иборат.

Миллоддан аввалги II-I асрларда Шоштепада атрофи қалин айланма девор билан ўраб олинган доира шаклидаги қалъа-кўрғон қад кўтарган. Кўрғоннинг марказий қисмида монументал буюм мавжуд. У қатор ҳисна ва йўлақларга ажратилган. Бинонинг пештоқи шимолӣ қанотда, равоқли дарвоза, 2 биқинида эса пайконсимон дарчалар жойлашган.

Шоштепадан кўндан-кўп уй-рўзгор буюмлари: хум, хумча, кўза, икки қулоқли сопол қозонлар, тоға, сувдонлар, ҳўқиқ бошли кабоб қўралар, ёйсимон ёрғуқлар, темир пичоқ, ўроқ ва бошқа бир қанча ашёлар тоғилган. Улар орасида икки ноғдир буюм: фил суяғидан ясалган қадаҳнинг бир бўлағи ва суяқдан ишланган қалам, айниқса, диққатга сазовор.

Шоштепада қад кўтарган кўрғон гарчи тўла шаҳар қиёфасида шаклланмаган бўлса-да, бироқ у Тошкент воғасида шаҳарсозлик маданияти тарихини тадқиқ этишда муҳим аҳамиятга эга манба ва ёдгорлик саналади.

— Ҳар бир халқ, миллатнинг ўз тарихи, маданияти бор, — дейди ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши “Ёшлар қаноти” етакчиси Нозима Ҳамроқуллова. — Агар бу тарих қанчалик қадимий, маданияти бой бўлса ва бунӣ ўша халқ билса, ҳис қилса, миллатнинг бугунги фаровон, истиқболӣ порлоқ бўлади. Шу боис Тошкент шаҳрининг кўрқига кўрқ, тароватига улугворлик улашайтган тарихий ва миллий-маданий объектиларни асраб-авайлаш, уларга сайёҳлар ташрифини кўпайтириш ишига қўмақлашиш юртимиз тараққиётга муносиб ҳисса бўлиб қўшилиши шубҳасиз. Зеро, кўш ўш нурали билан ер юзини ёритса, шариф шаҳарлар таровати дунёни нурафшон этади.

Тадбирда сўзга чиққан партия фаоллари Президентимиз раҳнамолигида бой тарихимизни, давлатчилигимиз асосларини теран ўрганишга қаратиладиган алоҳида эътибор ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол гоғларига садоқат, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилаётгани хусусида тўхтадилар. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ўз дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиқиб, халқ маънавиятини тиклашга қўмақлашувчи анъаналар ва ижтимоий тараққиёт бирлиги

принципини ҳаётга жорий этиш, халқимизнинг илмий-тарихий меросини теран ўрганиш ва истиқлол шарофати билан эришилган ютуқларни аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш, ёшларимиз онғида мамлакатимиздаги миллий-қадрият ва меросимизни асраб-авайлаш, миллий тарих ва халқ анъаналарига нисбатан чуқур ҳурмат туйғусини уйғотиш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Акция доирасида “Яхшидан боғ қолур” шиори остидаги ободонлаштириш ишлари, “Хашар — ёшларга ярашар” шиори остида хашар ташкил этилди. Гул ва манзарали дарехт кўчалари экилди.

Ёшлар оғди ва қалбиде ватанпарварлик, миллий қадриятларимизга ҳурмат туйғусини юксалтиришга хизмат қиладиган “Юртим тарихини ўрганаман” шиори остидаги “Тарихдан садо бергучи обод гўшалав” акцияси Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг барча ҳудудий ташкилотларида кўтаринки руҳда, ёшлар фаоллигида ўтмоқда.

**Раъно МУЛЛАЖОНОВА, Тошкент давлат педагогика университетини доцентини, тарихчиси:**

— Халқимизнинг қадимий тарихидан сўзлайдиган ноёб ёдгорликларни асраш, ўрганиш, тадқиқ этиш ва келажак авлодларга етказиш гоғат муҳим вазифа. Шоштепани ўрганиш бўйича олиб бориладиган тадқиқот ишлари мазкур ҳудуд ва халқимиз тарихига онд янги ашё ва маълумотлар олиш имконини бермоқда. Бу, юртдошларимиз, айниқса, ёш авлод қалбиде Ватанга муҳаббат, миллий қадриятларимизга ҳурмат ва даҳлдорлик туйғусларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Шоҳида ДАМАНОВА, “Миллий тикланиш” мухбири

Ташаббус натижа берди

# Шаҳарсозлик кодекси ижроси

худудларнинг янада обод ва фаровон бўлиши, замонавий қиёфадаги иншоотларнинг кўпайишида муҳим ўрин тутди

**< Давоми.  
Бошланғичи 1-бетда.**

Айни пайтда маҳаллий Кенгашлардаги ЎзМТДП гуруҳлари ушбу дастурий вазифалардан келиб чиқиб, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари сессияларида "Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодекси нормаларининг ижроси тўғрисида"ги масала юзасидан масъул мансабдор шахсларнинг ахборотини эшитиш ташаббусини илгари сурмоқда. ЎзМТДП гуруҳларининг мазкур ташаббуси бу борадаги ишлар ҳолатини ўрганиш, мавжуд масалаларга ечим топиш, камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш имконини бераётди. Халқ депутатлари Нишон ва Миришкор туман Кенгашларининг яқинда бўлиб ўтган сессияларида ҳам айни шу масала қизгин муҳокама этилди.

Сессияларда ҳар икки туман ҳокимининг капитал қурилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалиги ва ободонлаштириш масалалари бўйича ўринбосарлари Шаҳарсозлик кодекси нормаларининг худуддаги ижроси тўғрисида ахборот берди.

Сессияда таъкидланганидек, Нишон туманида Шаҳарсозлик кодекси нормаларининг ижроси доимий таҳлил этиб борилмоқда. Бунда худуднинг табиий-иқлим шароитлари, аҳолининг демографик ўсиши инobatга олиниб, яқка тартибда уй-жой қуриш, боғдорчилик, узумчилик ёки поллизчилик ширкатларини янада жонлантириш, аҳоли дам оладиган жойларни ташкил этиш борасида кўшимча тақлифлар ишлаб чиқилмоқда. Шаҳарсозлик фаолиятини молиялаштириш давлат бюджети ва буюртмачиларнинг ўз маблағлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг улуши ҳисобидан амалга оширилади.

Ўтган йили туманда ишлаб чиқариш ваҳизмат кўрсатиш объектларини қуриш учун муқоабат қилган 140 фуқаронинг 89 нафарига туман ҳокимининг қарори билан ер майдонлари ажратиб берилган. "Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ" ДУК ва "Қишлоққурилишлойиха" МЧЖ билан келишилган ҳолда яна 51 фуқаро учун ер майдонлари ажратиб берилди.

Туманда намунавий лойиҳалар асосида аҳоли турар-жойлари барпо этиш ишчил давом эттирилмоқда. Жумладан, 2015 йилда "Пахтаобод" маҳалла фуқаролар йиғини худудида намунавий лойиҳалар асосида 7, "Нишон" қишлоқ фуқаролар йиғини худудида эса 30 уй-жой фойдаланишга топширилди. Жорий йил "Нишон" ҚФЙ ва "Юксалиш" МФЙ худудларида намунавий лойиҳалар асосида яна 19 уй-жой қурилмоқда. Шунингдек, туман табиёт бирлашмасига қарашиб бир неча бўлимлар таъмирланмоқда.

— Партия гуруҳимиз туман Кенгаши сессиясига олиб чиқилган масалалар юзасидан чора-тадбирлар режасини ишлаб чиққан, — дейди халқ депутатлари Нишон туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи раҳбари Бобур Яздон. — Депу-

татлар партия ташкилотлари билан ҳамкорликда худудлардаги мавжуд масалаларни чуқур ўрганиб, аниқланган муаммоларни бартараф этиш юзасидан ўз тақлифларини тайёрламоқда. Шаҳарсозлик кодекси ижросини назорат қилиш учун тегишли бошқармалар, жамоат ташкилотлари ходимлари ва мутахассислардан иборат ишчи гуруҳи тuzилган. Ишчи гуруҳи тумандаги бунёдкорлик ишлари билан мунтазам танишиб, муайян тақлиф-мулоҳазаларни ўртага ташлаш имконига эга бўлган.

Айни шу масала халқ депутатлари Миришкор туман Кенгаши сессиясида ҳам атрофдаги муҳокама қилинди. Таъкидланганидек, худудда аҳоли пунктларининг режалари, уй-жой, фуқаролик объектларининг қурилиши, реконструкцияси, ободонлаштириш борасида бир

йўлга қўйилмоқда.

Ўтган йили Миришкор тумани бўйича тадбиркорликни йўлга қўйиш борасида фуқаролардан 264 ариза келиб тушган, шундан 85 таси қаноатлантирилган. Аҳолиси 5 мингдан кўп қишлоқ фуқаролар йиғинлари худудларини архитектура-режалаштиришни ташкил этиш лойиҳаларини "Қишлоққурилишлойиха" МЧЖ ишлаб чиқмоқда. Жорий йилда Янги Миришкор шаҳарчасидаги 110 ўринли туман табиёт бирлашмасининг терапия бўлими ва туғруқона биносини капитал таъмирлаш режалаштирилган. Бундан ташқари, Булуч қишлоғидаги 12-сонли, Жейнов шаҳарчасидаги 10-умумий ўрта таълим мактаблари реконструкция қилинади. Бу йил Янги Жейнов ва Калта массивида жами 30 намунавий уй-жой қурилиши режалаштирилмоқда. Худуддаги магистраль ва ички йўللار, туман марказидаги 2 дренаж қудуқларида таъмирлаш ишлари олиб борилиш кўзда тутилган.

ЎзМТДП гуруҳлари ташаббуси билан киритилган масала юзасидан ҳар икки туман Кенгаши сессияси қарор қабул қилди. Унда худудларда бу борада амалга ошириладиган ишларни янада кенгайтириш, муҳандислик ва ижтимоий

инфратузилмаларни ривожлантириш масалаларини ҳал этиш, Шаҳарсозлик кодекси ижросини таъминлаш ва назорат қилишда қишлоқ ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, кенг аҳоли фаол иштирок этиши лозимлиги қайд этилди. Шунингдек, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига зид бўлмаган кўшимча талаблар, маданий мерос объектларини таъмирлаш ишларини олиб бориш, худудларни кўламазорлаштириш, яқин шаҳардаги архитектура объектлари, реклама, пешлавҳал ва бошқа ахборотни жойлаштиришга доир талабларни ўрганиб чиқиш ва шаҳарсозлик фаолияти соҳасида қабул қилинаётган қарорлардан аҳолини хабардор қилиш лозимлиги белгилаб қўйилди. Худудда шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат олиб бориш, уй-жой фонди, жамоат ҳамда ишлаб чиқариш объектлари ҳолатини тубдан яхшилаш масалалари навбатдаги сессияларда яна муҳокама этилиши белгиланди.

ЎзМТДП гуруҳи ташаббуси билан муҳокама этилган бу каби масалалар худудларнинг янада обод ва фаровонлиги, замонавий қиёфадаги иншоотларнинг кўпайишида муҳим ўрин тутди. Барча худудларда бўлгани каби ушбу туманларда ҳам амалга ошириладиган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари халқимиз фаровонлиги ва ҳаёт даражасини янада юксалтиришга хизмат қилади.

**Аҳмад ЮСҲОВ,  
"Milliy tiklanish" мухбири**

Таҳлил ва таққос

*Мамлакатимизда амалга ошириладиган кенг қамровли ислохотлар жараёнида фаол иштирок этиш, ижтимоий-иқтисодий масалалар ечимга қаратилган муқобил тақлиф ва ташаббусларни илгари суриш, электорат манфаатларини ҳимоя қилишда сиёсий партиялар, айниқса, партиядан сайланган депутатларнинг ташаббускорлиги муҳим аҳамиятга эга. ЎзМТДП дастурий мақсад-ўялари ва сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни амалга оширишда маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари ишлари янада фаолаштириш, худудларда олиб бориладиган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнида уларнинг иштирокчини кенгайтириш долзарб вазифадир. Бу борада халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги ЎзМТДП гуруҳлари ўз зиммасидаги масъулиятни вазифаларни теран ҳис қилган ҳолда сайловчилар ишончини оқлашга, уларни ўйлантирадиган масалаларни ижобий ҳал этишга ҳаракат қилиб, муайян натижаларга эришмоқда. Бунда барча даражадаги партия ташкилотлари ҳамда гуруҳлари ўзаро ҳамкорликда иш олиб бораётгани, ўз фаолиятини таъқидий таҳлил этиб, янги марралар сари интиладигани эътиборга молик.*

бус-масала киритиш, депутатлик сўровлари воситасида бирор масала хал қилинишида партия гуруҳлари, вилоятдаги партия ташкилотлари фаолиятида сусткашлик кузатилган эди. Партия ташкилотлари ва гуруҳларимиз фаолиятида бундай сусткашлик ҳолатини ЎзМТДП Марказий кенгаши кўп бора танқид остига олган, тегишли чора-тадбирлар кўрилиб, йўл-йўриklar кўрсатилган. Ана шу саъй-ҳаракатлар натижасида кейинги йилларда вилоятдаги партия ташкилотларимиз ҳамда янги тарқибдаги депутатлик гуруҳларимиз ўз фаолиятини кучайтиришга эришди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда халқ депутатлари Сирдарё вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги

# Партия гуруҳларининг самарали фаолияти

ЎзМТДП дастурий вазифалари ижроси кафолати

Халқ депутатлари Сирдарё вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги ЎзМТДП гуруҳлари ҳам жорий йилнинг ўтган даврида партия дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ёшлар бандлигини таъминлашга қаратилган муайян ишларни амалга оширди. Жумладан, партия гуруҳлари аъзолари тегишли ташкилот ва идора-ларга 50 дан ортиқ депутатлик сўрови билан муқоабат қилган. Уларнинг 21 таси қонунлар ва ҳуқуқат қарорларининг жойларда ижроси бўйича юборилган бўлса, қолган сўровлар фуқаролар муқоабатлари асосида амалга оширилган. Шунингдек, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари ташаббуси билан маҳаллий Кенгашлар сессиялари ва доимий комиссиялар йиғилишларида 12 мансабдор шахснинг ҳисоботи тингланган. Сессиялар кун тартибига эса партия электорати ва ижтимоий қатлами манфаатларини қўлаб, худуд ривожига хизмат қиладиган бирорта ташаббус-масала киритилмаган.

Халқ депутатлари Сирдарё вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари ҳам жорий йилнинг ўтган даврида партия дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ёшлар бандлигини таъминлашга қаратилган муайян ишларни амалга оширди. Жумладан, партия гуруҳлари аъзолари тегишли ташкилот ва идора-ларга 50 дан ортиқ депутатлик сўрови билан муқоабат қилган. Уларнинг 21 таси қонунлар ва ҳуқуқат қарорларининг жойларда ижроси бўйича юборилган бўлса, қолган сўровлар фуқаролар муқоабатлари асосида амалга оширилган. Шунингдек, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари ташаббуси билан маҳаллий Кенгашлар сессиялари ва доимий комиссиялар йиғилишларида 12 мансабдор шахснинг ҳисоботи тингланган. Сессиялар кун тартибига эса партия электорати ва ижтимоий қатлами манфаатларини қўлаб, худуд ривожига хизмат қиладиган бирорта ташаббус-масала киритилмаган.

**✓ ЎзМТДП Марказий кенгашининг партия гуруҳлари фаолиятини тубдан кучайтириш мақсадида йўлга қўйган тизимли чора-тадбирлари бугун ўз самарасини бермоқда**  
**✓ Халқ депутатлари Сирдарё вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги ЎзМТДП гуруҳлари жорий йилнинг I чорагида 7 ташаббус-масалани маҳаллий Кенгашлар сессияси кун тартибига киритди**

— Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгашининг маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари фаолиятини тубдан кучайтириш, уларнинг мамлакатимизда амалга ошириладиган ислохотлар жараёнида иштирокчини кенгайтириш, худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги ташаббускорлигини ошириш борасидаги тизимли чора-тадбирлари бугун ўз самарасини бермоқда. — дейди ЎзМТДП Сирдарё вилоят кенгаши матбуот котиби Нилуфар Эргашева. — Буни вилоятимиздаги партия ташкилотлари ва гуруҳлари фаолиятида ҳам яққол кўриш мумкин. Маҳаллий Кенгашлар сессияларига ташаб-

ЎзМТДП гуруҳлари ва партия ташкилотларининг фаолияти тақомиллаштириб, кўрсаткичлари тобора ўсиб бораётди. Депутатлар ва партия ташкилотлари ўзаро ҳамкорликда электорат вакиллари ҳамда худуд ривожига дахлдор масалаларни ҳал этишга эътибор қаратмоқда,

аниқ ва амалий ишларни ҳаётга татбиқ этиш учун қатъият билан ҳаракат қилишмоқда. Сессияларга ташаббус-масалалар киритиш жараёнида партия гуруҳлари ва ташкилотлари муайян масалани биргаликда ўрганишни йўлга қўйган. Партия дастурий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда тегишли соҳа-да аниқланган камчиликлар мута-хассис ва экспертлар иштирокида таҳлил қилинади. Ушбу саъй-ҳаракатлар натижасида жорий йилнинг биринчи чорагидаёқ халқ депутатлари вилоят, Ширин ва Янгиер шаҳарлари, Ховос, Оқолтин, Боевут ва Сайхунбод туман Кенгашлари сессиялари кун тартибига муайян ташаббус-масалалар киритилгани эътиборга молик. Бу каби ташаббускорлик келгусида янада изчил давом эттирилиши режалаштирилган.

Мухтасар айтганда, халқ депутатлари Сирдарё вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги ЎзМТДП гуруҳлари ўз фаолиятини янги босқичга кўтариш, партия дастурий мақсад-вазифалари ижросини таъминлаш мақсадида қатъият билан ҳаракат қилмоқда. Zero, халқ вакили зиммасига юклатилган масъулият уларни бир зум бўлса-да хотиржамликка берилмасликка ундаётгани эътиборга молик.

**Муҳтарама КОМИЛОВА,  
"Milliy tiklanish" мухбири**

Фуқаролик жамияти

*Мамлакатимизда амалга ошириладиган изчил ислохотлар замирида ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш мақсади мужассам. Мазкур жараёнда фуқаролик жамияти институтлари, жамоат ташкилотлари, жумладан, сиёсий партиялар ва маҳалла фуқаролик фаолияти алоҳида ўрин тутди. Айниқса, бу борада сиёсий партиялардан сайланган депутатлар зиммасига ҳам қатор вазифалар юклатилган.*

Маҳаллалар партия дастурий мақсад-вазифалари ижросини таъминлашда, депутатлик ваколатларимизни самарали амалга оширишда бизга яқиндан ёрдам бермоқда. Партияимиз сайловолди Платформасида маҳалла тизимини янада тақомиллаштириш, унинг ташкили ва иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш, маҳаллий аҳамиятга эга бўлган масалаларни ҳал этишда, миллий-маънавий кадриятлар, урф-одат, аънаъна-ларни тиклаш ва ривожлантиришда аҳолининг кенг иштирокчини таъминлайдиган фуқаролик жамияти институти сифатидаги фаолиятини кучайтириш вазифалари белги-ланган. Шу боис, партияимизнинг қатор лойиҳаларини бажаришда маҳаллалар билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Хусусан, вилоятимиздаги бир қанча маҳалла фуқаролар йиғинларида сайловчилар ман-

фаати ҳимояси ҳамда партия дастурий ғоя-мақсадлари тарғиботига қаратилган кўплаб тадбир, учрашувлар ўтказиб келинаётди. Муस्ताқиллигимизнинг 25 йиллигига тайёр-гарлик кўриш, "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, худудларни ободон-лаштириш каби долзарб вазифалар доимий диққат эътиборимизда.

Шу кунларда "Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги ҳамда "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги қонунларнинг мазмун-моҳиятини фуқаролар ўртасида тарғиб-ташвиқ қилиш ишлари билан машғулмиз. Чунки жорий йилнинг май-июнь ойларида мамлакатимизда бўлиб ўтадиган фуқаролар йиғини раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига қиз-гин ҳозирлик кўрилмоқда. Бу борада Навоий вилояти, хусусан, Қизилтепа туманида ҳам муайян ишлар амалга оширилади. Жумладан, сайловни юқори савияда ўтказиш мақсадида сайловни ташкил этиш, уни ўтказишга кўмаклашувчи комиссия ва ишчи гуруҳлар фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари вазифасига аҳоли орасида юксак ҳурматга эга, энг муносиб номзодларни саралаш борасида тизимли



ишларни олиб бормоқда. Айни пайтда Қизилтепа туманида 138 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Мавжуд 47 маҳалла ҳамда 8 қишлоқ фуқаролар йиғинларига бўлиб ўтадиган сайловда маҳалла раиси ва уларнинг маслаҳатчилари вазифасига муносиб номзодлар сайланиши кўзда тутилмоқда. Сайловга тайёргарлик кўриш, тарғибот ишларини олиб бориш жараёнида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар ҳам фаол иштирок этмоқда. Биз депутатлар аҳоли орасида мазкур сайловнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари, сайловга кўмаклашувчи комиссиялар ва ишчи гуруҳларнинг асосий вазифалари, сайловни ўтказиш тартиби ва яқунларини эълон қилиш борасида тегишли тушунтириш ишларини олиб бормоқдамиз. Тумандаги "Ғойибон" маҳалла фуқаролар йиғинидаги сайловни ташкил этиш ва уни ўтказишга кўмаклашувчи ко-

Миссия аъзоси ҳамда депутат сифатида мазкур худудда Олий Мажлис Сенати Кенгашининг жорий йил 5 мартдаги "Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқолари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ тарғибот-ташвиқот ишлари ҳамда ташкилий чора-тадбирларни изчил амалга ошириламиз.

**Машхура КАРИМОВА,  
халқ депутатлари  
Навоий вилоят  
Кенгашига  
ЎзМТДПдан  
сайланган депутат**

# Маҳалла — миллий кадриятлар бешиги

# Партия кўмагида кредит олган корхоналар

фаолиятини кенгайтириб, янги иш ўринлари ташкил этиш муноқиғига эга бўлмоқда

Президентимиз раҳнамолигида амалда оширилаётган илмий-ислохотлар жараёнида тадбиркорлик, айниқса, оилавий бизнесни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Бу янги иш ўринлари яратиш, оилалар фаровонлигини юксалтиришда муҳим омили бўлаётган. Соҳа вакилларига берилаётган имтиёзлар, банклар ажратаётган кредитлар улар фаолиятини янада ривожлантиришга хизмат қилаётган. Айниқса, банкдан имтиёзли фойдаланган ажратилаётган кредитлар корхоналарнинг оёққа туриши, иқтисодий аҳоли яхшиланishiга имкон бермоқда. Бу жараёнда Ўзбекистон "Миллий тикланish" демократик партияси ҳам фаол иштирок этишга иштироқ қилаётган. Партия банклар билан ҳамкорликда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга имтиёзли кредитлар олишда кўмаклашмоқда. Бунинг натижасида жойларда янги корхоналар ишга тушиб, айримлари ўз фаолиятини янада кенгайтириш имконига эга бўлаётган.

вилоят кенгаши етакчи мутахассиси Нодира Абдухалиқова. — "Устоз-шогирд" мактабларининг қайта тикланаётгани бунда муҳим омил бўлмоқда. Партия сайловолди Платформасида миллий хунармандчиликни ривожлантириш, "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" белгиси остида жаҳон бозорига маҳсулот етказиб беришга йўналтирилган тизимли чора-тадбирларни қабул қилиш, импорт ўринини босадиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга аҳд қилган маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, жумладан, улар учун

да кенгайтириш учун бизнес-режа билан партия лойиҳасида иштирок этдик. Натижада партия кўмагида 90 миллион сўм имтиёзли кредит олишга муваффақ бўлдик. Бу маблағ эвазига 3 янги иш ўрни яратилади. Кредит олишда бизга яқиндан ёрдам бергани партия вилоят кенгашига миннатдорлик билдираман. Келажакда партия билан ҳамкорликни янада мустақамлаш ва унинг лойиҳаларида фаол иштирок этиш ниятидаман.

ЎЗМТДПнинг маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, жойларда янги иш ўринларини яратиш борасидаги саъй-ҳаракатлари, хусусан, "Банк кредитлари — хунармандларга" лойиҳаси соҳа ривожига муҳим омили бўлаётган. Мазкур лойиҳа юртимиз бўйлаб қўллаб-қувватланган иш бошлашига замин яратди. Лойиҳа нафақат хунармандчилик йўналишидаги, балки маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва оилавий корхоналар фаолияти ривожига ҳам туртки бермоқда. Фарғонада бўлиб ўтган тадбир доирасида ҳам 5 корхонага 135 миллион сўмлик имтиёзли кредит олиш учун сертификат топширилди.

Партиянинг тадбиркорларга берилаётган имтиёз ва преференциялар мазмун-моҳиятини тушуниришга бахшланган тадбиркорлар ёшларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Барча даражадаги партия ташкилотлари банк ва солиқ идоралари ходимлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎЗМТДПдан сайланган депутатлар, тадбиркорлар ва коллеж битирувчилари билан учрашув ва давра суҳбатлари ташкил этишга алоҳида эътибор қаратаётгани тадбиркорлар ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш, уларга имтиёзли кредитлар ажратиш, янги корхоналар очиш, мавжудларининг оёққа туриб олишида кўмаклашмоқда. Бу эса, ўз навбатида, партия тарафдорлари сафи кенгайишида, муҳим омили бўлаётган.



Тадбир доирасида 5 корхонага 135 миллион сўмлик имтиёзли кредит олиш учун сертификат топширилди

муҳим ўрин тутди. Биргина тадбиркорлик соҳасига тадқиқ этилган солиқ, боғжона имтиёзлари минглаб корхоналарнинг фаолиятида туб бурилиш ясади, уларнинг иқтисодий ҳолатининг яхшиланishiга имкон берди. Солиқдан тежаб қолинаётган маблағлар эса корхоналарни модернизация қилиш, замонавий ва тежамкор технологияларни харид қилиш, янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ўзлаштиришга замин яратаётган. Бу эса ЎЗМТДП сайловолди Платформасида белгиланган миллий бозорни сифати паст, халқаро андозаларга мос келмайдиган маҳсулотлар, ишлар, хизматлардан муҳофаза этиш, импорт ўринини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариши ривожлантириш каби мақсад-вазифаларга мос ва уйғундир.

— Истиклол йилларида миллий хунармандчиликнинг барча турлари кенг ривожланмоқда, — деди партия

солиқ, боғжона имтиёз ва преференциялари ва бошқа шакллардаги давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чораларини жорий этиш каби вазирлиқлар билан ҳамкорлик қилиш, импорт ўринини босадиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга аҳд қилган маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, жумладан, улар учун

лар мактаби шаклланди. Бу ернинг атлас ва адреслари таърифни эшитмаган инсон топиламан керак. Бундан ташқари, воҳада ёғоч ўймакорлиги, қулоччилик, гиламдўзлик, қосиблик ҳам тараққий этган. Хунармандчиликдаги Фарғона услубининг ўзига хослиги, бетакорлиги ва нафислиги ҳеч бир кишининг эътиборидан четда қолмайди. Истиклол йилларида вилоятда хунармандчилик янада ривож топди. Хунармандчилик корхоналари маҳсулотлари нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам ўз харидорини топган. Улар яратган маҳсулотлар ҳар йили ўнлаб халқаро кўргазмаларда намоийиш этилмоқда. Шу жиҳатдан партиянинг мазкур тадбири вилоят тадбиркорлари учун янги имкониятлар эшигини очди.

— Юртимизда ёшларни тадбиркорликка кенг жалб этиш, уларнинг бандлигини таъминлаш, турмуш фаровонлигини янада оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — деди тадбирда иштирок этган қувватлаш тадбиркор Козим Ақромов. — Мен ҳам ана шу имкониятлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қиламан. Бир неча йил олдин оилавий корхона очган эдик. Корхонамиз озик-овқат маҳсулотлари савдоси билан шуғулланади. Партиянинг бугунги тадбири ҳақида эшитганч, фаолиятимизни яна-

## Шоҳжаҳон ҲАСАНБОВ, тадбиркор:

— Мамлакатимизда ҳар йили минглаб иш ўринлари ташкил қилинади, бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши муҳим ўрин тутди. Вилоятимизда ҳам хизмат кўрсатиш соҳаси йилдан-йилга жадал сурьатлар билан ривожланмоқда. Хусусан, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш бўйича қўллаб-янгилар билан ишга тушмоқда. Бу ҳар икки оиладан бири автомобилга эгаллиги, аҳолимизнинг турмуш даражаси юксалиб бораётганидан далолат. Менда автомобил таъмирлаш устaxonасини ташкил этиш нияти анча аввал пайдо бўлган эди. Аммо бунинг учун бошланғич сармоа топишга қийналаётганим. Бугунги тадбир олдимда гов бўлиб турган ана шу муаммага ечим топишга имкон берди: банкдан 10 миллион сўм имтиёзга кредит олиш учун сертификатга эга бўлдим. Энди ўз ишимни бемалол бошлашим мумкин. Ана шундай имконият яратиб берган барча ҳамкорларга миннатдорлик билдираман.

Ҳасан САЛОМОВ, "Milliy tiklanish" мухбири

Яқинда ЎЗМТДП Фарғона вилоят кенгаши, вилоят "Хунарманд" уюшмаси ва Марказий банк бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган "Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш — ЎЗМТДПнинг иқтисодий соҳасидаги устувор вазифаси" мавзусидаги тадбирда шулар ҳақида сўз борди.

Унда ЎЗМТДП фракцияси аъзолари, партия ходимлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎЗМТДПдан сайланган депутатлар, вилоят "Хунарманд" уюшмаси аъзолари, Марказий банк, Ҳамкорбанк ва Инфобанк ходимлари ҳамда журналистлар иштирок этди.

— Бугунги тадбир вилоятдаги тадбиркорларни бир жойга тўплаш, тадбиркорликка оид қонунийлик мазмун-моҳиятини кенгроқ тушунириш, ҳуқуқий билим ва кўникмаларини янада мустақамлашга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир, — деди ЎЗМТДП фракцияси аъзоси Шерзод Раҳимов. — Бу, энг аввало, тадбиркорларнинг эркин фаолият юритишига имкон ва ёрдам беради. Чунки янгиликлардан боҳабар, ўз ҳақ-ҳуқуқи ва мажбуриятини яхши билган тадбиркор, албатта, иқтисодий имтиёзларни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўша олади. Бугунги тадбирда, тадбиркорларга боғжона имтиёзлари, тадбиркорлик субъектларини текширишга доир, кичик корхоналар учун солиқ тўлашдаги имтиёзлар, коллеж битирувчиларини ишга қабул қилган корхоналар учун белгиланган солиқ имтиёзлари ҳақида кенг маълумотлар берилди. Билдирилган тақлиф ва мулоҳазалар қабул қилинаётган қонунларда акс этиши, уларнинг янада пухта ва пишиқ, ҳаётий бўлишида муҳим аҳамият касб этади.

Дарҳақиқат, қонунларнинг сифатли ва ҳаётий бўлиши соҳа ривожига



## Ватанимнинг гуллаб-яшнаши учун мен нима қилдим?

Халқимиз ўз келажagini фарзандлари иқболда кўради. Шу боис, ёш авлодни жисмонан соғлом, маънан етук этиб тарбиялаш давлатимиз сийёсатида устувор аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасининг "Ёшларга оид давлат сийёсатининг асослари тўғрисида"ги, "Таълим тўғрисида"ги қонунилар, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва бошқа бир қатор дастур ва ҳужжат қарорлари навқирон авлод вакиллариини коммуналлик сари дадил иштилоши ва ўз иқтисодини тўла намоён этишига хизмат қилаётган. Қабул қилинган меъриий ҳужжатлар ёшларга замонавий жиҳазланган таълим муассасаларида билим олиш ва касб-хунар эгаллашга замин яратмоқда.

Давлатимизнинг биз ёшларга кўрсатаётган бу каби ғамхўрлиги иқтисодимизни тўла намоён этиш билан бирга, халқимизга хос юксак маънавий кадрлар ва энг яхши аъёнлар руҳида камол топишга, эл-юрт

# Юксак илмий салоҳиятга эга авлод

келажакимиз ворислари

тақдирига дахлдорлик туйғуси билан яшашга ундамоқда. Бу ҳақда ўйлар эканман, беҳттиёр Ватанимнинг гуллаб-яшнаши учун мен нима қилдим? деган савол хаёлимдан ўтади. Халқимиз ўз олдига мамлакатимизни ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқиш вазифасини қўйган экан, ҳар бир юртдошимиз ўзига ана шундай саволни бериши табиий. Бу жараёнда мен ёш тақдиротчи сифатида фаол иштирок этишни мақсад қилганман. Зотан, мамлакат тараққиётида бу кўхна замин фарзандлари буюк яратувчилик ишлари ва ғоялари билан жаҳон илм-фани ва маданияти ривожига бекиёс ҳисса қўшган аждоқларнинг ворислари эканлигини ёдда тутиши, уларга муносиб авлод бўлишга ҳаракат қилиши жуда муҳим. Ўзбек халқининг бой маданияти, улғув тарихи, бунёдкорлик салоҳияти барчамизга ғурур ва ифтихор бағиш-

лайди. Айни пайтда олдимизга янги-янги вазифалар қўяди. Айни кунларда IX-XV асрларда ҳудудимиздан ўтган карвон йўлларида хизмат кўрсатиш тизимини ўрганиш юзасидан илмий тадқиқот олиб бораётган. Минтақамиздаги карвон йўллари инфратузилмаси, ўрта асрлар даври хизмат кўрсатиш тизимининг ўзига хос хусусиятлари ва белгилари, шаклланиш ва ривожланиши, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётдаги ўзгаришларнинг кўпгина муҳим жиҳатларини ўрганилган. Бу илмий изланишим хорижда Марказий Осиёнинг ўрта асрларга оид маданияти, коммуникация тизими фаолияти, карвон йўллари инфратузилмаси ва хизмат кўрсатиш тизими хос белгилари, Ватанимизнинг жаҳон маданиятининг илк бешиклари билан бўлгани тўғрисида янада аниқроқ тасаввур уйғотишга ҳисса

қўша, бошим кўкка етади.

Ўзбекистон "Миллий тикланish" демократик партияси ҳам юртимиз тарихини бузиб, сохталаштириб талқин этишга нисбатан қарши кураш олиб бориш, кенг халқаро жамоатчилик эътиборига Ўзбекистоннинг бой ўтмишига доир ҳаққоний ҳақиқатларни етказишни устувор вазифаларидан бири, деб билади. Бу борада партия билан мақсадларимиз уйғун ва ҳаммаган. Келажакда партия билан ҳамкорликда тарихини ўрганиш, ёшларда шонли ўтмишимизга нисбатан ҳурмат туйғусини янада кучайтириш борасида ҳамкорлик қилмоқчиман, унинг тарғибот тадбирларида фаол иштирок этиш қатъий мақсадимдир.

Кувончбек ҲАМРОЕВ, Урганч давлат университети тарих факультети 2-босқич магистранти

## Хроника

### Ёшларга эътибор — келажакка эътибор жойларда ЎЗМТДП ўтказган тадбирлар ана шундай мақсадга қаратилди

#### Қорақалпоғистон

ЎЗМТДП Эллиқалъа туман кенгаши "Ёшлар қаноти" Тупроққалъа археологик ёдгорлигида "Озод юртининг обод гўшаси" лойиҳаси доирасида ақция ташкил этди. Унда партия туман кенгаши фаоллари, "Аёллар қаноти", "Ёшлар қаноти", бошланғич партия ташкилотлари етакчилари, халқ депутатлари туман Кенгашига ЎЗМТДПдан сайланган депутатлар, ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

— ЎЗМТДП сайловолди Платформасида тарихий, маданий ва илмий-интеллектуал меросни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, бойитиш ва уларни янада кўпайтиришга кўмаклашиш, ўзбек халқининг бой тарихи ва маданиятини ўрганиш, ушбу бойликларни камол топиб келаятган ёш авлод ўртасида кенг тарғиб этиш, ёшларда тарихий мерос ва халқ аъёнларига чуқур меҳр-ҳурмат, эҳтиром уйғотиш каби вазифалар ўрин олган, — деди партия туман кенгаши раиси Баҳодир Машарипов. — "Озод юртининг обод гўшаси" ақцияси ёшларнинг тарихимизга оид билимларини бойитиш, уларни эзгу аъёнларнинг муносиб давомчилари бўлиб вояга етишида муҳим аҳамият касб этаётган.

Тадбирда истиқлол йилларида халқ ҳашарлари янгича маъно-мазмун касб этаётгани ва уларга ёшларни кенг жалб этиш партия "Ёшлар қаноти"нинг вазифаларидан экани таъкидланди. Мазкур археологик ёдгорликда ҳам "Ҳашар — ёшларга ярашар" шиори остида кенг қўламли ҳашар ташкил этилди.

#### Қашқадарё

Мамлакатимизда тарихимизни теран ўрганиш, буюк аждоқларимиз хотирасини эъзозлаш, улар меросини асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга етказишга алоҳида аҳамият берилаётган.

ЎЗМТДП Китоб туман кенгашининг "Аждодлар мероси — маънавий хазина" мавзусидаги давра суҳбатига шу ҳақда сўз борди.

Тадбирда сўзга чиққан партия фаоллари истиқлол йилларида маънавий кадрларимизни тиклаш, ривожлантириш ва уларни жаҳон ҳаётининг кенг намоийиш этиш, буюк алломаларимиз меросини фундаментал тадқиқ этишни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга кенг шароит яратилганига эътибор қаратишди.

Дарҳақиқат, мустақиллик шарофати билан халқимизнинг бой тарихи, миллий кадрларимизга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Ўзининг нодир асарлари билан тарихда ўчмас из қолдирган буюк бобоқалонларимиз номи ва мероси қайта тикланди. Мазкур жараёнда ЎЗМТДП ҳам муносиб иштирок этишга интилиб, фуқароларда миллий ғурур туйғусини мустақамлаш, миллий ўзлигини англаш, урф-одат ва аъёнларимиз бардавомлигини сақлаш масалаларига катта эътибор қаратиб келмоқда. Жумладан, мазкур тадбир ҳам ёш авлодни тарихий кадрларимизга ҳурмат руҳида ва ўтмиш меросимизнинг ҳақиқий билимдони этиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

#### Наманган

ЎЗМТДП Наманган туман кенгаши "Тинчлик — миллий кадрларимиз негизи ва кафолати" мавзусида давра суҳбати ташкил этди. Унда партия "Аёллар қаноти", "Ёшлар қаноти" етакчилари, маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари, бошланғич партия ташкилоти етакчилари ҳамда ёшлар иштирок этди.

— Мустақил тараққиёт йилларида юртимиз дунё ҳамжамиятининг ҳава-сини келтирадиган ютуқ ва марраларга эришмоқда, — деди партия туман кенгаши раиси Ҳасанбой Холиқов. — Бунинг негизда юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осуда ҳаёт, тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжихатлик каби фазилатлар мужассам. Бугунги глобаллашув жараёни, ахборот хуружи авж олаётган даврда воқеликка зийраклик ҳамда теран мушоҳада билан қараш, жаҳонда ва ён-атрофимизда кузатилаётган мафкуравий таҳдид ва хатарларни тўғри баҳолаш, улардан тегишли сабоқ чиқариб яшаш тобора долзарб аҳамият касб этамоқда.

Тадбирда бугунги тинчлик ва хотиржамликнинг кадрига етиш, мамлакатимиз ривожланишининг моддий ва маънавий асосларини мустақамлаш, миллий кадрият, аъёна ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, айниқса, ёш авлод қалби ва онгида она юртга муҳаббат, миллий ғояга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш бугунги куннинг долзарб масаласи экани, бу борадаги вазифалар ҳар бир партия ходимининг зиммасига алоҳида масъулият юклаши таъкидланди.

#### Бухоро

ЎЗМТДП Вобкент туман кенгаши "Обод юртининг соғлом ва баркамол фарзандлари" мавзусида тадбир ташкил этди.

— Келажакимиз эгаларининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни миллий кадрият, аъёна ва урф-одатларимизга ҳурмат руҳида камол топтиришга кўмаклашиш, изланишларини қўллаб-қувватлаш партия-мизнинг устувор вазифаларидан саналади, — деди партия туман кенгаши раиси Тўймурод Ёқубов. — Ушбу вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида жойларда ёшларни мустақил ҳаётга йўналтирувчи, бунёдкор ғоялар руҳида тарбиялашга ундовчи, уларда ватанпарварлик туйғуси ҳамда фаол фуқаролик позициясини шакллантиришга қаратилган тарғибот тадбирлари ташкил этилмоқда.

Таъкидланганидек, Ватан равнақи, жамият тараққиёти бевосита ёш авлод салоҳияти, уларнинг миллий ва умумбашарий кадриятлар руҳида камол топишига боғлиқ. Шу боис бугун юртимиз ёшлари ўзлари танлаган соҳа бўйича билим олиб, касб-хунар эгаллашлари учун барча шарт-шароит яратилган. Бу каби тадбирлар ёшларда ташаббускорлик, етакчилик қобилиятини шакллантиради, уларнинг мамлакатимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирокини қўллаб-қувватлайди.

Давра суҳбатига ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоб олди.

#### Фарғона

Жойларда тўй ва маросимларни ихчамлаштириш, ортиқча дабдабага чек қўйиш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар жараёнида ЎЗМТДП ташкилотлари ҳам фаол иштирок этишга интилаётган.

ЎЗМТДП Фуқарат туман кенгаши ташкил этган "Тўй ва маросимларимиз ихчамлигига эришайлик" мавзусидаги тадбирда шу хусусда сўз борди.

— Маънавий ҳаётимизни юксалтириш, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни кенг қарор топтириш, тобора кучайиб бораётган миллий табиатимиз, урф-одатларимизга мутлақо зид ҳар қандай зарарли таъсирлар, бузғунчи ғояларга қарши туриш, азалий кадриятларимизни асраб-авайлашда оила мустақам таянчдир, — деди партия Фуқарат туман кенгаши раиси Марғубохон Мадярова. — Оила — жамиятнинг асосий бўғини. Оила даромади жамият бойлиги билан чамбарчас боғлиқ. Шу боис, тўй ва маросимларда учраётган ортиқча дабдабаларга чек қўйиш, оилада соғлом маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, партия сайловолди Платформасида таъкидланганидек, ЎЗМТДП оилалар ҳаётида ҳамон сақланиб қолаётган ноҳус ҳолатлар, хусусан, тўй-маросимларни ўта дабдабали қилиб ўтказиш ва исрофгарчиликка асосланган бошқа тадбирларга барҳам беришга қаратилган ишларда фаол иштирок этишни ўз олдига муҳим вазифалардан бири деб билади.

Ойдин АЛИМАРДОНОВА, "Milliy tiklanish" мухбири

Фракция ҳаёти

# ЎзМТДП фракциясининг изчил фаолияти

электорат манфаатлари ҳимоясига хизмат қилади

**< Давоми.**

**Бошланиши 1-бетда.**

Фракциянинг жорий йил иккинчи чорак учун мўлжалланган чора-тадбирлар режасига мувофиқ олиб борилаётган ишлар таҳлил қилиниб, бу борадаги фаолиятни янада кучайтиришга доир вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилиши ЎзМТДП фракцияси раҳбари С.Отмуратов бошқарди.

Таъкидландики, самарали парламент назоратини амалга ошириш турли соҳа ва тармоқлар фаолияти ривожига, иш унумдорлиги ва сифати ошишига хизмат қилади. Шундай экан, парламентнинг назорат функциясида унумли фойдаланиш, партия дастурий вазифаларидан келиб чиқиб, амалий савб-ҳаракатларни янада кучайтириш лозим.

Бугун мамлакатимизда sanoatni diversifikasi қилиш, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш борасидаги ислохотлар тизимли амалга оширилмоқда. Президентимизнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ақдури ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида бу борада эришилган натижалар билан бирга келгусидаги долзарб вазифа ва мақсадлар белгиланган берилди. ЎзМТДП фракцияси давлатимиз раҳбарининг мазкур маърузаси ҳамда партия сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифалардан келиб чиққан ҳолда режалаштирилган чора-тадбирларни асосида қатор ишларни олиб бормоқда. Хусусан, май-июнь ойлари давомида жойларда жаҳон бозорига маҳсулот етказиб беришга ва хорижий маҳсулотлар ўрнини босадиган маҳсу-



лотлар ишлаб чиқаришга аҳд қилган маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий этилган солиқ ва боғжона имтиёзлари, преференциялар ва бошқа шакллардаги рағбатлантирувчи чора-тадбирлар ўрганилади. Маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар вакиллари иштирокида Наманган ва Тошкент вилоятларида "Ишлаб чиқаришни техник ва технология модернизация қилиш, янги ва замонавий технологияларни жорий этишнинг долзарб масалалари", "Маҳаллий ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи корхоналарга берилган имкониятлар тизимининг аҳамияти", Самарқанд вилоятида "Иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, sanoatni diversifikasi ва диверсификация қилишни изчил давом эттириш энг муҳим вазифа" мавзусида давра суҳбатлари ва семинарлар ташкил этиш режалаштирилган. Шунингдек, ишлаб чиқаришни техник ва технология жиҳатдан узлук-

сиз янгилаб бориш, доимий равишда ички имконият ва захираларни излаб топиш, иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, sanoatni diversifikasi ва диверсификация қилишни изчил давом эттириш бўйича белгиланган чора-тадбирларнинг бажарилиши юзасидан "Ўзбекенгилсанот" акциядорлик жамиятига парламент сўрови юбориш, "Туризм тўғрисида"ги қонуннинг Самарқанд вилоятидаги ижросини назорат-таҳлил тартибиде ўрганиш ва бошқа шу каби вазифалар амалга оширилади.

Йиғилишда фракция аъзоларининг бу борадаги фаолияти муҳокама қилиниб, таклиф-мулоҳазалар баён қилинди.

**Мухтарама КОМИЛОВА,**  
"Milliy tiklanish" мухбири

Конун кучга кирди

## Самарали парламент назорати

демократик ислохотлар изчиллигини таъминлайди

**< Давоми.**

**Бошланиши 1-бетда.**

Зеро, бу бежиз эмас. Чунки парламент назорат функциясини янада кучайтириш воситасида, биринчидан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари қонунлар талабларининг ижро этилиши қай даражада амалга ошираётгани ўрганилади, ижтимоий муносабатларни тартибга солишда яна қандай қонунларга зарурият борлиги аниқланади. Иккинчидан, назорат ишлари жараёнида ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги айрим муаммо ва бўшлиқлар намойён бўлади, уларни бартараф этиш чора-тадбир-

да "Парламент назоратини амалга оширишга доир ташкилий-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштиришнинг долзарб масалалари: Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар тажрибаси" мавзусида халқаро конференция ўтказилди. Унга Германия, Япония, Хитой, Жанубий Корея, Эстония, Норвегия каби мамлакатлардан экспертлар таклиф этилди.

Жаҳон тажрибасига кўра, парламент назорати барча мамлакатларда бир хил эмас, балки ҳар бир давлатда ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда амалга

Қонунчилик палатаси, уларнинг қўмиталари ва комиссиялари, қўми палатадаги сиёсий партиялар фракциялари, депутатлик гуруҳлари ҳамда депутатлар, Сенат аъзолари, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) парламент назорати субъекти саналади. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, уларнинг мансабдор шахсларининг Конституция ва қонунлар, қарорлар ҳамда Давлат дастурларининг ижро этиш, зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш борасидаги фаолияти парламент назоратининг объекти сифатида белгиланди.

Шу билан бирга, қонунда парламент назоратининг шакллари ҳам мустаҳкамланди. Мухтасар айтганда, парламент назорат функциясининг янада

### Парламентнинг назорат функциясини янада кучайтириш орқали қонунларнинг ижро ҳокимияти томонидан қай даражада амалга ошириляётганлиги ўрганилади

оширилади. Масалан, Буюк Британия, Бельгия, Германия, Италия каби бир қанча давлатлар қонунчилигида уларнинг назорат функцияси аниқ белгилаб қўйилган.

Мамлакатимизда парламент назоратининг ҳуқуқий асослари босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг назорат функциясини кенгайтириш ва кучайтириш мақсадида Конституциямизнинг 78-моддаси парламент палаталарининг назоратни амалга ошириш бўйича ваколатларини конституциявий мустаҳкамлаш билан боғлиқ қонунлар билан тўлдирилди. Мазкур тузатишлар, ўз навбатида, "Парламент назорати тўғрисида"ги қонунни қабул қилиш учун конституциявий-ҳуқуқий замин яратди.

Ушбу қонун воситасида парламент назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш соҳасидаги ижтимоий муносабатлар тартибга солинди. Қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятнинг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг масъулиятини кучайтириш учун қўшимча механизмлар яратилди.

Қонунда парламент назорати объекти ва субъектлари белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва

**Шерзод Тўхташев,**  
ЎзМТДП фракцияси аъзоси

Қўмита йиғилиши

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторингини олиб бориш бўйича Жамоатчилик кенгаши билан ҳамкорликда "Очиқликни таъминлаш: самарали ҳуқуқий қўллаш амалиёти" мавзусида семинар ташкил этди.*

Семинарни қўйи палата Спикери ўринбосари, ЎзМТДП фракцияси раҳбари С.Отмуратов кириш сўзи билан очди.

Таъкидландики, "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида"ги қонун ахборот олиш соҳасида очиклик ва ошқораликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётди. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарлари ва ахборот хизмати ходимларига мазкур қонун талабларини самарали

## Ахборот эркинлиги ва очиклиги

шаффофликни таъминлайди

қўллашга оид услубий тавсиялар бериш, ахборот соҳасида очикликни таъминлашда намуна бўлаётган етакчи давлат органлари фаолияти билан таништириш мақсадида ташкил этилган семинар жараёнида соҳада олиб борилаётган амалий ишлар хусусида маълумот берилди, истиқболдаги вазифалар муҳокама қилинди. Эътироф этилганидек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятида очикликни таъминлаш борасидаги ишларнинг истиқболдаги самарадорлигини ошириш тегишли қонуности ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш билан бевосита боғлиқ.

Семинарда Жамоатчилик кенгаши тасдиқлаган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиклиги мониторингини олиб бориш ва уни баҳолаш методикаси ҳақида маълумот берилди. Ушбу методика асосида жорий йилдан бошлаб давлат органларининг очиклигини таъминлаш борасидаги фаолияти, соҳага оид ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган қонунларни амалга ошириш сифатини акс эттирувчи "очиклик индекси" йиғма кўрсаткичи

эълон қилиб борилади. Семинар иштирокчиларига қонунчиликка мувофиқ, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликка ахборот етказиш усуллари, хусусан, ахборотни чоп этиш, Интернет тармоғидаги расмий веб-сайтни, ҳамма кириши мумкин бўлган хонага жойлаштириш, ахборот кутубхона ва архив фондлари орқали тақдим этиш, ахборотдан фойдаланувчилар учун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очик ҳайъат мажлисларида иштирок этиш имкониятини яратиш, ахборот олишга доир сўровларига жавоб бериш каби усуллардан самарали фойдаланишга доир тегишли тавсиялар берилди. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини таъминлашда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш, аниқса, ташкилот ва идораларнинг расмий веб-сайтлари фаолиятини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эгалиги таъкидланди. Бугунги кунда "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида"ги

қонун ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш соҳасига оид ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда комплекс чора-тадбирлар асосида қатор ташкилотлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг Интернет глобал тармоғидаги расмий веб-сайтлари фаолияти йўлга қўйилган. Уларнинг дизайни, ахборот сифати ва қўламли, очиклиги, қулайлиги ва фойдаланишга бўлаётган таъминлаш бораётгани алоҳида эътиборга молик. Семинарда бу борадаги ишларни бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда янада кучайтириш лозимлиги таъкидланди.

Иштирокчилар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш, органларнинг ахборот олиш имкониятлари ва улардан қониқлиш даражасини ошириш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарлари ва ахборот хизматлари ходимларига мазкур қонун талабларини самарали қўллашга оид услубий тавсиялар берилди.

Ўз мухбиримиз

Парламент комиссияси

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.*

Тадбирда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини шаклланиши ва изчил ривожлантириш учун кенг қўламли чора-тадбирлар амалга ошириляётганлиги таъкидланди. Юртимизда ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг изчил ривожланиши учун қўлай ҳуқуқий, иқтисодий, молиявий ва ташкилий шароитлар, имтиёз ҳамда преференциялар жорий этилган.

Йиғилишда Парламент комиссияси "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларни ижро этишда ННТларни кенг жалб этиш ҳамда ижтимоий-иқтисодий дастурлар доирасида амалга ошириляётган ишларнинг ОАВда ёритилиши ва давлат органлари фаолиятининг очиклигини таъминлашга қаратилган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат гранти ажратиш

## Фуқаролик жамияти институтлари лойиҳалари

молиявий қўллаб-қувватланмоқда

бўйича эълон қилинган биринчи ва иккинчи танлов натижалари муҳокама этилди. Ушбу танловларга 350 дан ортиқ ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан 400 га яқин лойиҳалар тақдим этилди. — деди Парламент комиссияси ишчи гуруҳи раҳбари, ЎзМТДП фракцияси аъзоси Жаҳонгир Ширинов. — Бу ўтган йил билан таққосланганда 18,5 фоизга кўп. Баҳолаш якунларига кўра, биринчи танловда 45, иккинчи танлов бўйича эса 32 ташкилот голиб деб топилди. Уларнинг 55 фоизи ННТ бўлса, 45 фоизини ОАВ ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ташкил этмоқда. Танлов голибларига давлат бюджетидан 1 миллиард 850 миллион сўм миқдориде маблағ ажратилди.

Таъкидлаш жоиз, танланган лойиҳаларда асосан оила ва жамиятда аёлларнинг роли ва макени мустаҳкамлаш, уларнинг ижтимоий фаолигини ошириш, бандлигини таъминлаш, бўлажак оналарнинг замонавий билим ва касб эгаллаш-

ларини қўллаб-қувватлаш, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом болали тарбиялашда аёлларнинг ролини ошириш каби масалаларда фуқаролик жамияти институтларининг иштироки назарда тутилган.

Йиғилишда, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, баркамол авлодни тарбиялаш, ёшлар, энг аввало, касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш, тадбиркорликка йўналтириш, оилавий бизнесни ривожлантиришга қаратилган давлат гранти ажратиш бўйича — учинчи ва тўртинчи танловларни эълон қилиш юзасидан фикрлашилди. Бу борадаги вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича Парламент комиссиясининг тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда тадбирлар ўтказиш режаси ва дастури тасдиқланди.

**Аҳмад ЮСУПОВ,**  
"Milliy tiklanish" мухбири

Тадбир

## Янги ихтиро ва инновацион гоюлар майдони

*19-21 май кунлари "Ўзжспомарказ"да IX Инновацион гоюлар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси бўлиб ўтади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси томонидан Миллий матбуот марказида ўтказилган матбуот анжуманида таҳқида маълум қилинди.*

Жаҳон бозориде рақобат кучайиб бораётган бугунги кунда иқтисодиётни инновацион ривожлантириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, улар ўртасида ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлашга қаратилган эътибор ана шу мақсадга хизмат қиломоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 15 июлдаги "Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги, 2010 йил 15 декабрдаги "2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси sanoatni rivoj-

вожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги қарорлари бу борада муҳим дастурий амал бўлаётди.

Мамлакатимизда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган Инновацион гоюлар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси янги ишланма ва гоюларни ҳаётга татбиқ этиш, иқтисодиётни изчил янгилаш, маҳсулотлар тури, ҳажми ва сифатини ошириш, экспорт салоҳиятини янада юксалтириш имконини бермоқда.

Мазкур ярмарка самарасида фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясининг мустаҳкам механизми яратилди. У илмий фаолият натижаларини амалда қўллашни таъминлайди. Бунинг натижасида янги, замонавий ва рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эришилади. Шу билан бирга, аниқ корхоналар, тармоқлар ва алоҳида ишлаб чиқарувчиларнинг буюртмалари асосида инновация фаолияти янада ривожланади.

2008-2015 йилларда ўтказилган ярмаркаларда юртимиз олимлари яратган уч мингдан зиёд инновацион гою ва ишланмалар, технологиялар намойиш этилди, умумий қиймати 112 миллиард

сўмлик уч мингдан ортиқ шартнома имзоланди. Натижада 59 номдаги бир триллион сўмдан зиёд қийматдаги янги маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

IX Инновацион гоюлар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркасида анъанавий беш йўналиш — sanoat, қишлоқ ҳўжалиги, соғлиқни сақлаш, ахборот технологиялари ҳамда фан-таълим соҳалари учун мўлжалланган қарий беш юз инновацион лойиҳа намойиш этилади. Улар мамлакатимиз олимлари, мутахассислари ва ихтирочиларининг янги ишланмаларидир.

Бундан ташқари, навбатдаги ярмаркада ёш олим ва талабалар билан бир қаторда "Ёшларнинг инновацион гоюлари" республика кўрик-танлови голибларининг ишланмалари намойиш этилади. Саралаш жараёнида уларнинг амалиётга жорий этишга тайёрлиги, энергия ва материал тежамкорлиги, маҳаллий хомашдан фойдаланилганлиги, бозорга янги маҳсулот чиқариш имконияти каби омилларга алоҳида эътибор қаратилади.

Ярмарка доирасида Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти томонидан Япониянинг "Honda" фонди ва Япония сиёсий тадқиқотлар миллий институти билан ҳамкорликда Ўзбекистон — Япония симпозиуми ўтказилди. Унда экотехнологияларни ривожлантириш истикболлари ва татбиқ этишнинг долзарб масалалари муҳокама этилади.

**Тўмарис АбЗАМ,**  
"Milliy tiklanish" мухбири

Халқаро конференция

Матбуот — давлат органлари билан жамоатчилик мулоқотининг муҳим воситаси

Пойтахтимизда 3 май куни "Оммавий ахборот воситалари жамоатчилиги билан мулоқотини ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиклигини таъминлашнинг муҳим омили сифатида" мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссияси, ЕХХТ, ЮНЕСКО ва Германиянинг Конрад Аденауэр номидаги жамғармасининг мамлакатимиздаги ваколатхоналари ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда депутатлар, оммавий ахборот воситалари раҳбарлари, вазирликлар, идоралар, халқаро ва жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳаллий ва хорижий экспертлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари С.Отамуродов, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси Ф.Абдухалиқов, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссияси раиси А.Саидов, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари К.Пиккетт ва бошқалар Президент Ислам Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда демократик ислохотларни ҳаётга татбиқ этиш жараёнида оммавий ахборот воситалари фаолиятини изчил ривожлантириш, матбуот ва ахборот эркинлиги ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиклигини таъминлашда уларнинг ролини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда яратилган мустақкам қонунчилик жамият ҳаётининг барча жабҳаларида кечаётган ислохотлардан ҳаққимизни ўз вақтида хабардор этиб бориш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ахборотдан фойдаланишини, айниқса, давлат органлари фаолиятдан аҳолининг хабардорлигини таъминлаш имконини бермоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ 2014 йил май ойида қабул қилинган "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида"ги қонун фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, давлат ва жамоатчилик ўртасида самарали мулоқотни йўлга қўйишда ОАВнинг роли ва таъсири янада оширди.

Бугунги кунда мамлакатимизда фаолият юритаётган оммавий ахборот воситаларининг олтиш фоизга яқини нодавлат медиа тузилмалардир. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ахборот манбалари ҳам йилдан-йилга такомиллашмоқда. Хозир давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг 114 веб-сайти мавжуд бўлиб, улардан 90 таси фойдаланишда қулайлик яратиш ва замонавий технология талабларини инобатга олган ҳолда мобиль иловаларини жорий этган. Давлат органлари веб-сайтлари орқали қўрсатилмаётган электрон хизматлар кулами тобора ошиб бормоқда. Президентимизнинг 2011 йил 30

декабрдаги "Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида"ги қарори ОАВ фаолиятининг самарадорлигини ошириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоат назоратини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этаётгани алоҳида таъкидланди. Мазкур қарорга мувофиқ, оммавий ахборот воситалари ва нашриётларга қатор имтиёз ҳамда преференциялар берилган. Аънавий тарзда ўтказилаётган халқаро ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоат назоратини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этаётгани алоҳида таъкидланди. Мазкур қарорга мувофиқ, оммавий ахборот воситалари ва нашриётларга қатор имтиёз ҳамда преференциялар берилган. Аънавий тарзда ўтказилаётган халқаро ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоат назоратини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этаётгани алоҳида таъкидланди.

Анжуманда мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларининг замонавий асосда фаолият юритиши учун барча шароитлар яратилгани, давлат ташкилотлари билан фуқаролик жамияти институтлари ўртасида самарали жамоатчилик мулоқотини шакллантиришда ОАВнинг роли ва аҳамияти тобора ошиб бораётгани, соҳада халқаро ҳамкорлик ривожланаётгани қайд этилди.

—Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилаётган улкан эътибор самарасида мазкур соҳа изчил ривожланиб бораётир, — деди ЮНЕСКО бош маслаҳатчиси Моген Шмидт (Дания). —Мазкур халқаро конференция Ўзбекистонда ва жаҳонда "давлат — медиа — жамоатчилик" мулоқотида очик ахборот жамиятини таъминлашнинг амалий механизми, журналистика соҳасидаги тенденция ва янгиликлар билан танишиш, ўзаро фикр алмашиш имконини бергани билан аҳамиятли бўлди. Мамлакатимизда соҳа ходимларининг жаҳон журналистикаси-

нинг илгор иш услублари ва ютуқларини ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда. Жаҳоннинг етакчи медиакомпаниялари журналист ва мутахассислари иштирокида ўқув-тренинглар, семинарлар ўтказилмоқда. Ҳар йили қўллаб-қувватланадиган хорижий мамлакатларда малака ошириб қайтмоқда.

— Ташкилотимиз Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси билан медиа соҳасида қўллаб-қувватлашни амалга ошириб келмоқда, — деди Конрад Аденауэр номидаги жамғарманнинг Марказий Осиё бўйича минтақавий вакили Томас Кунце. —Хусусан, Ўзбекистон журналистлари Германия оммавий ахборот воситалари фаолияти билан танишиб, малака ошириб қайтмоқда. Бундай тадбирлар оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада ривожлантиришига, журналистларнинг касб маҳорати ва билимини оширишга хизмат қилади. Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари билан самарали ҳамкорлигимиздан мамнунмиз ва алоқаларимиз янада кенгайишига умид қиламиз.

Конференцияда давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини демократлаштириш ва либераллаштириш, суз ва ахборот эркинлигини, давлат бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини, ОАВнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш, жамоатчилик фикрини ўрганишнинг янги усул ва технологияларини ривожлантириш, аҳоли хабардорлигини янада оширишда давлат органларининг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлиги муҳим бўлади. Хорижий давлатлар тажрибасига оид қарор масалалар юзасидан фикр алмашилди, маърузалар тингланди.

Ноҳира МАНЗУРОВА, УЗА мухбири

Миллий гуруҳ

Илмий мингни йиқар

«Давоми. Бошланиш 1-бетда».

Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети механика-математика факультети талабаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендияси совриндори, "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони соҳиби, ЎзМТДП аъзоси Зариф Иброҳимов — улардан бири.

—Юртимиз қадимдан илм-фан марказларидан бири бўлган, — дейди Зариф. —Она заминимиздан қўллаб-қувватланадиган хорижий мамлакатларда малака ошириб қайтмоқда. Бундай тадбирлар оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада ривожлантиришига, журналистларнинг касб маҳорати ва билимини оширишга хизмат қилади. Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари билан самарали ҳамкорлигимиздан мамнунмиз ва алоқаларимиз янада кенгайишига умид қиламиз.

Конференцияда давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини демократлаштириш ва либераллаштириш, суз ва ахборот эркинлигини, давлат бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини, ОАВнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш, жамоатчилик фикрини ўрганишнинг янги усул ва технологияларини ривожлантириш, аҳоли хабардорлигини янада оширишда давлат органларининг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлиги муҳим бўлади. Хорижий давлатлар тажрибасига оид қарор масалалар юзасидан фикр алмашилди, маърузалар тингланди.

қаро эзги мактаби" анжуманида махсус сертификат соҳиби бўлди.

— Мамлакатимизда иқтидорли ёшлар давлат томонидан муносиб рағбатлантирилиб, уларга юксак эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишдек ўзгунан шаклланди, — дейди Самарқанд давлат университети доценти Иқбол Ниёзов. — Зариф Иброҳимов ҳам халқаро олимпиадаларда эришган ютуқлари учун университетга имтиёзли қабул қилинган. Унинг ўқувчилик йилларидаги муваффақиятлари талабалик йилларида ҳам давом этди. Олий ўқув юртлиги ўртасида ўтказиладиган республика аънавий олимпиадаларида бир неча олтин ва кумуш медалларни қўлга киритди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендиясига сазовор бўлди.

— Зариф ҳам ўқишда, ҳам илмий фаолиятда, умуман, ҳаётда ўз олдида олий мақсадлар қўйишга одатланган, — дейди ёш математикнинг илмий раҳбари, физика-математика фанлари доктори, профессор Исроил Икромов. — Бу фазилини ўз соҳасини мукаммал эгаллашга ҳамда юқори натижаларга эришишида муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда. Фаннинг математик анализ ва функционал анализ соҳаларида илмий изланиш олиб бормоқда. Илмий мақолалари нафақат мамлакатимиз, балки нуфузли халқаро журналлар ва конференциялар тўпламларида чоп этилаётир.

Ёш математик битирув малакавий иши устида кунт билан ишлаб, уни инглиз тилида ёзиб туғатди, кун кеча олий таълим вазирлиги ўтказган "Энг яхши битирув малакавий иши" танловида биринчи ўринни эгаллади.

Мухтаас айтганда, Зариф Иброҳимов муваффақиятларининг сири ўз танлаган соҳасига меҳр қўйиб, ўз устида тинимсиз ишлаётганидир. Президентимизнинг 2014 йил 6 февралда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни янги бошқаришда давом эттиришда муҳим дастурий амал бўлмоқда. Бу қарор ёшларимиз ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун янада кенг имкониятларга эга бўлганини аниқлади.

Тўмарис АЪЗАМ, "Milliy tiklanish" мухбири

Қарор ва ижро

Одам савдоси — аср муаммоси

Инсон ҳуқуқ-манфатларини ҳимоя қилиш давлатимиз сиёсатининг, миллий қонунчилик тизимининг асосини ташкил этади. Мамлакатимизда кучли фуқаролик жамияти ташкил этиш ва демократик давлат қуриш жараёнида бу қоидаларнинг амалда ўз ифодасини топишига катта аҳамият берилаётир.

Конституцияимизнинг 24-моддасида "Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир", деб белгиланган. Бугун ҳатто жаҳон миқёсида жиддий ташвиш ва хавотир уйғотаётган одам савдоси муаммосида инсонларнинг айнан яшаш ҳуқуқига даҳл қилинмоқда. Ачираллиси, бунда жиноятни содир этишда бош-қош бўлганларнинг ҳам, бундан жабр кўрганларнинг ҳам асл муддаоси битта — енгил йўл билан даромад топиш.

Шу боис мамлакатимизда бу борада кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Одам савдосига қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари яратилди. 2008 йил 17 апрелда "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги қонун амалга киритилди. Президентимиз томонидан 2008 йил 8 июлда "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" қарор қабул қилинди. Мазкур қарорга мувофиқ одам савдоси билан боғлиқ жиноят қурбонларини ижтимоий ҳимоялаш тадбирлари комплекс характерга эга эканлиги инобатга олиниб, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадига одам савдосига қарши курашиш бўйича республика Идораларо комиссияси тузилди. Комиссия мунтазам равишда одам савдоси ҳолатларининг олдини олиш, аниқлаш ва уларга чек қўйиш, унинг оқибатларини камайтириш ҳамда одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатишга қаратилган бир қатор ташкилий ва профилактика тадбирларини ўтказиб келмоқда. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг одам савдосига қарши курашиш масалаларида

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, тиббиёт ва таълим муассасалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва кенг жамоатчилик билан яқин ҳамкорлиги таъминланмоқда. Ёшлар орасида одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш ва тарбиявий ишларни кучайтириш мақсадида "Куликка рози бўлманг!", "Огоҳ бўлинг, одамлар!", "Сенинг тақдиринг ўз қўлингда" каби мавзуларда тарғибот ишлари олиб борилмоқда.

Одам савдосига қарши курашиш бўйича республика Идораларо комиссиясининг 2015 йил 5 февралдаги йиғилиши қарори билан "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини янада ошириш борасида 2015-2016 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар режаси" тасдиқланиб, ижроси таъминланмоқда.

Ана шундай тарғибот-ташвиқот ишлари натижасида одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар аниқланиб, тегишли чоралар қўрилаётир. Одам савдоси жабр-дийдаларига ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатилмоқда. Хорижга чиқиб қайтган фуқароларни тиббий кўрикдан ўтказиш йўлга қўйилган.

Одам савдосига қарши курашишда аҳолини иш билан таъминлаш муҳим омили саналади. Шу боис юртимизнинг барча муассасаларида мунтазам меҳнат ярмаркалари ташкил этилмоқда. Аҳоли, айниқса, ёшлар меҳнат ярмаркаларига кенг жалб қилинаётир.

Одам савдосига қарши курашишда энг аввало, унга замин яратаётган сабаб ва омилларни бартараф этиш талаб этилади. Қолаверса, мазкур жиноятнинг асл маънумохияти, унинг сабаб ва оқибатларини янада кенг ва чуқурроқ тушунириш, огоҳликка қорлаш, унга қарши мунтазам тарғибот ишларини олиб бориш доимий вазифамизга айланмоғи лозим. Бундан қўзланган мақсад йигит-қизларнинг Интернет орқали турли ғаразли ахборотларга алданиб қолишининг олдини олиш, замонавий хавф-хатарларга қарши маънавий-маърифий иммунитетини кучайтиришдир.

Хуршида АБДУРАҲМОНОВА, ҳуқуқшунос

МММда

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасини янада либераллаштириш, фуқароларнинг малакаси ва ишончи юридика ёрдам олишни, адвокатура институтини такомиллаштириш борасида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 1 майдаги "Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислохот қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони бу борада муҳим омили бўлмоқда. Мазкур фармон фуқароларнинг тергов ва суд ишини юриштининг ҳар қандай босқичини амалга оширишда кенг қўламли ишларни кучайтириш мақсадида "Куликка рози бўлманг!", "Огоҳ бўлинг, одамлар!", "Сенинг тақдиринг ўз қўлингда" каби мавзуларда тарғибот ишлари олиб борилмоқда.

4-5 май кунлари Нурота шаҳрида фольклор жамоалари ва бахшиларнинг "Нурли наволар" республика биринчи фестивали бошланади.

Шу муносабат билан Миллий матбуот марказида Ватанмиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб Маданият ва спорт ишлар вазирлиги ва Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар республика илмий-методика маркази ҳамкорлигида матбуот анжумани ташкил этилди.

Тадбирда марказ директори Азамат Хайдаров ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган маънавий-маърифий ислохотлар жараёнида бебаҳо маънавий меросимизни эъзозлаш, илмий жиҳатдан чуқур ўрганиш ва келажак авлодларга аслича етказишга қаратилаётган улкан эътибор юксак самаралар бераётганини таъкидлади. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги "2010-2012 йилларда номоддий маданий мерос

Ҳимоя ҳуқуқи кафолатлари

йўл очди.

Адлия вазирлиги "Фуқароларга юридик ёрдам кўрсатиш самарадорлиги" мавзусида ўтказган матбуот анжуманида адвокатларнинг мустақиллиги кафолатларини кучайтириш, нотариал фаолият ҳамда ФХДЭ органлари ҳодимларининг фуқароларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатишини такомиллаштиришга қаратилган кенг қўламли ислохотлар хусусида суз борди.

Тадбирда Адлия вазирлиги нотариат, адвокатура ва ФХДЭ органлари бошқармаси бошлиғи ўринбосари Иномжон Қудратов ва бошқалар таъкидлаганидек, бугун мамлакатимизда мингдан ортик адвокатлик тузилмаси жисмоний ва юридик шахсларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатишда Адвокатлик тузилмаларида уч ярим мингдан зиёд адвокат фаолият юритаётир. Уларнинг барчаси қатъий талаб ва шартлар асосида малака имтиҳонидан ўтган, лицензияга эга адвокатлардир. Зеро, фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда адвокатдан катта билим, тажриба ва маҳорат талаб этилади.

Бу жараёни янада соддалаштириш мақсадида Адлия вазирлиги ва ҳудудий адлия органларининг расмий веб-сайтларида нотариал ҳаракатлар учун давлат божи, пуллик

хизмат ва герб йиғмалари қийматининг автоматлаштирилган ҳисоб-китобини амалга оширишни назарда тутувчи электрон калькулятор дастури яратилди.

2013-2015 йилларда республикамиз бўйича ФХДЭ органлари учун 41 янги бино қурилди. 39 бино капитал таъмирланди. Шу даврда 287 минг никоҳ қайд этилди. 580 минг нафардан зиёд фуқарога тиббий кўрикдан ўтиши учун йўлланмалар берилди.

Тадбирда журналистларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтарилди.

Ўз мухбиримиз

"Нурли наволар"

унда халқимизнинг энг сара фольклор асарлари ижро этилади

объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастури тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори соҳада бу борадаги ишлар қўламини янада кенгайтиришда дастуриламал бўлаётир.

Фестивалга Ўзбекистон Миллий телерадиокомпания, Миллий ахборот агентлиги, Бадий академия, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, "Хунарманд" уюшмаси, "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси ҳамкорлик қилмоқда.

— Фестивални ўтказишдан қўзланган асосий мақсад — қадимий фольклор санъати билан маданий ёдгорликларимиз тарихининг ўзаро боғлиқлиги, узвийлиги, маънавийтимиз сарчашмаларини кенг тарғиб қилишдир, — дейди марказ

мутахассиси Ўқтам Абдуллаев. — Бу тадбир янги-янги истеъдод эгаларини кашф этиб, авлодлар оша мерос бўлиб келаётган қадимий фольклор қўшиқлари ва бахшичилик санъатини янада омаллаштиришга хизмат қилади. Фестиваль доирасида миллий халқ уйинлари ва аънавий майдон томошаларини санъати намояндаларининг дастурлари ҳам намойиш этилади.

Фестивалда "Шуъла", "Зиллол", "Мохи-ситора", "Зомин сайқали", "Нуржаҳон", "Карман олдузлари", "Сардоба", "Ёр-ёр", "Бешқарсақ", "Бодом гуллари", "Бойсун", "Дурдона", "Заррин япроқлар", "Қўқон ёр-ёри", "Хоразм", "Ризвонгул" каби энг намунали фольклор этнографик халқ ансамбллари ҳамда юртимизда ижод қилаётган барча бахшилар ўз репертуарлари билан иштирок

этдилар. Тадбирда Германия, Франция, Хитой, Корея, Россия каби 30 га яқин хориж мамлакатларидан ташриф буюрган сайёҳлар ва бахшичилик санъатини янада омаллаштиришга хизмат қилади.

Шубҳасиз, бахшилар ва фольклор қўшиқлари ижрочиларининг "Нурли наволар" биринчи республика фестивали юртимизнинг мустақиллик байрамига муносиб туҳфадир. Бу тадбир янги-янги истеъдод эгаларини кашф этиб, ёшларимизни бу ноёб санъатимизга бўлган қизиқишларини янада кучайтиришга хизмат қилади.

Анжуманда журналистларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтарилди.

Дилфуза РЎЗИЕВА, "Milliy tiklanish" мухбири

Бизнинг шарҳ

Ҳозирги кунда барча соҳада интеграциялашувнинг кучайиши вайронкор гўллар тарғиботини янада осонлаштирмоқда. Албатта, бунда айтайлик, бирон бир кийимдаги жимжимадор сурат ёки шовқин-суронли куй-қўшиқларга ружу қўйганлар ёт маданият тарғиботчисига айланиб бораётганини англамаслиги мумкин. Зеро, гоёвий хурружлар кишиларнинг диоини ўтмаслаштиришга қаратилгани билан хавфлидир. Базилярнинг тутуруқсиз ижод маҳсуллари санъат намунаси деб қабул қилаётгани — фикрсизлик ва оид-сизлик оқибати. Кишида бадий савиянинг қашшоқлашуви — юксак санъат асарларини тушунмаслик ва, аксинча, заррача бадий-эстетик қимматга эга бўлмаган нарса ва буюмларни юксак деб билиш сингари идрокнинг ўтмаслашуви юзага келтириши таассуфлидир.

...2007 йилнинг январь ойида Мексикада шу ном билан аталувчи штат губернатори Фидел Эррера парламентга кўча-кўйда ноқонуний расм чизувчиларга нисбатан ўн йиллик қамоқ жазоси тайинлаш ҳамда уларга катта миқдорда жарима солишни назарда тутувчи қонунчилик ташаббусини илгари сурди. "Кўча расомлари" дастидан мамлакатнинг тарихий обидалари зарар кўраётгани унинг Конгрессга ана шундай таклиф билан чиқишига сабаб бўлди. Дарҳақиқат, граффити санъати намунаси сифатида қараладиган бундай расмларни бугун мамлакат худудидаги Кецалькоатль эхроми ичида ҳам, Мехико шаҳридаги Ибодатхона деворларида ҳам учратиш мумкин.

Кўчалардаги деворларда турли мазмун ва шаклдаги расмлар чизиши тарғиб этувчи граффити аслида нима: безориликми ё санъат?

Граффити италиянча "graffiare" сўзидан олинган бўлиб, ўзбек тилида "тирналган" маъносини англатади. Бу атама деворга ўйилган, сиеҳ ҳамда бўёқ воситасида ишланган тасвир ёки ёзувга нисбатан ишлатилади. Бугун бу сўз қаторида инглизча "стрит-арт", яъни "кўча санъати" атамаси ҳам кенг қўлланилмоқда. Энг қадимий граффити намуналари эраимиздан аввалги 30 минг йилликка оид бўлиб, бу қояларга ўйилган ов ва ҳайвонлар сурати акс эттирилган тасвирий санъат намуналарини ўз ичига олади. Ҳатто қадимий римликлар ҳам девор ва ҳайкаллари безашда граффити санъатидан фойдаланишган. Бундай суратлар Мисрдаги қадимий обидаларда ҳам сақланиб қолган.

Замонавий граффити санъати тарихи Нью-Йорк шаҳридаги "Taki-183" ёзуви асосчиси билан алоқадор. 1970 йилда 16 ёшли ўспирин Диметриус метро деворларига "Taki-183" деган имзо қолдириб кетишни одат қилади. Бу сўз йигит исмининг қисқартмаси бўлиб, унда кўрсатилган рақам эса унинг Нью-Йорк шаҳрининг Вашингтон-Ҳайтс туманидаги 183-уйда истикомат қилишини англатган. У қурьер бўлиб ишлаган, шу боис иш юзасидан кун бўйи шаҳар кезишига тўғри келган. Эрмак учун эса деворларга оддий маркер воситасида "битик" қолдириб кетаверган. Ёзувлар жуда содда кўринишда бўлганига қарамай, уларни шаҳарнинг дярли барча деворларида учратиш мумкин эди. Шунданми, у одамлар эътиборини торта бошлади. 1971 йил 21 июль кунини "New York Times" журнали унинг "ижоди"га бағиш-

# Девордаги "нақш":

эрмакми ё санъат?

ланган мақола эълон қилди. Кейинчалик Диметриуснинг рақобатчилари ундан ажралиб туриш учун янги, антиқа ёзувларни ўйлаб топа бошлайди. Шу тарихи граффити санъати вужудга келди. Кейинчалик бундай ёзувлар "тэг", унинг муаллифлари эса "райтер" деб атала бошланди. Райтер инглизча "writer" сўзидан олинган бўлиб, "ёзувчи" маъносини англатади.

Райтерлар кейинчалик метрополитен худудида ўз "санъат асарлари" ни яратишга киришади. Бунга чора сифатида Нью-Йорк шаҳрида "MTA" фирмаси вагонларни "кўлёмалар"дан тазолашчи "Buffen" уксунасини ишлаб чиқарди. Бироқ бу наф бермади. Райтерлар кўлайиб боргани сайин расм чизиш учун жой таллашиш авж ола бошлади. Стрит-артчиларни, ҳатто, жиноий тўдалар ўз панохига ола бошлади. Утган асрнинг 80-йилларида Нью-Йорк шаҳри маъмурияти райтерлар билан келишига, уларнинг расм чизишлари учун махсус жой ажратишга мажбур бўлди. Бироқ бунинг фойдаси бўлмади: рақобат ва расм чизиш учун жой етишмаслиги сабабли кўплай америкалик райтерлар Европага йўл олади. Натижада, бу санъат Европада, айниқса, Германияда тез суръатлар билан ривожлана бошлади. Мамлакатнинг йирик шаҳарларида махсус граффити-салонлари очилди. Уларда расомларнинг ижод намуналари ўрин ола бошлади. Одамлар автомобиль, бар, дискотека, уйлари безаш учун "кўча расомлари"га буюртма бера бошлади.

Бугун кўплай давлатларда граффитига нисбатан расмий тақиқ ўрнатилган. Айрим мамлакатларда эса кўча расомлари учун алоҳида махсус жойлар ажратиб берилмоқда. Масалан, Австралияда ҳам бу санъат анча оммалашгани учун стрит-арт билан шуғулланувчиларга бир қатор имтиёзлар яратилган. Мамлакатдаги "Atom" тахаллуси остида ижод қиладиган энг машҳур райтернинг фикрича, бу санъат "ашил китба"да "хип-хоп" маданияти ҳақидаги фильмлар ("Beat Street", "Subway Art", "Spraycan Art") таъсирида оммалашган. Бундай фильмларни томоша қилган ўспирларда ушбу санъатга нисбатан қизиқиш ортган. Бугун вазият шу даражага етдики, Сидней шаҳри мэри граффити усталарига кўп қаватли уйлار деворларига расм чизишга рўхсат беришга мажбур бўлди.

Бугунги кунда "Бэнкси" тахаллуси остида ижод қиладиган расом Роберт Бэнкс стрит-арт санъатининг энг машҳур намуначиси сифатида тан олинади. Бироқ Бэнкснинг ҳеч ким танимайди, чунки у мунтазам қиёфасини ўзгартириб юради, ўзи ҳақидаги маълумотларни ҳаммадан сир тутати, одамлар кўзига кўринмасликка ҳаракат

қилади. Бу жамоат жойларидаги "кўча санъати"га нисбатан чеклов ўрнатилгани билан боғлиқ. Қолаверса, Бэнкснинг ҳар ерда чизилган "ижод намуналари" учун уни муқаррар қамоқ жазоси кутмоқда. Шунга қарамай, унинг расмлари аукционларда 600 минг долларгача баҳоланади.

Ҳар йили Лондон, Лос-Анжелес, Чикаго, Вашингтон шаҳарларида стрит-артчи-

қилиши учун тақиқ ўрнатилиб, уларнинг иши безорилик деб баҳоланса, бу ҳеч қандай фойда бермайди. Баъзи давлатларда бундай хатти-ҳаракат қонунбузарлик сифатида қаралиб, уларга нисбатан жиддий чоралар қўлланмоқда. Бироқ бу билан деворларга расм чизиш камаймаяпти. Аксинча, бу давлатларда райтерлар стрит-арт учун имтиёз яратилган мамлакатларга нисбатан кўпайиб бормоқда.

Граффити санъати вакиллари ўзларини эркин ижодкор ҳисоблайди. Улар ҳеч қандай қонун-қоида, тартиб ва чекловни тан олишни истамайди. Исталган жойда, ўзлари хоҳлаган расмни чизиб кетаверадилар. Энг ёмони, уларнинг аксарият "ижод намуналари"да ёвузлик, беҳаёлик кенг тарғиб қилинади. Яқинда Квинсленд университети ходими, австралиялик руҳшунос Грем Мартин стрит-арт билан шуғулланувчи 2600 ўспир иштирокида тадқиқот олиб бориб, райтерлар руҳий хаста инсонлар, бу давлатларда жиноят қилишга мойиллик юқори бўлади, деган хулосага келди. Тадқиқотдан яна шу нарса маълум бўлдики, кўча расомларининг аксарияти ўқийшга бефарқ, гиёҳванд моддалар истеъмол қилади, тушқунликка берилиши туфайли уларда ўз жонига қасд қилиш ҳоллари учрайди.

Мухтасар айтганда, граффити ёки стрит-арт деб аталаётган кўча санъатининг салбий томони шундаки — у жой ва макон талламайди. Унинг ихлосмандлари шаҳарнинг дуч келган жойига расм чизишдан тоймайди, бошқалар мол-мулкка зарар етказиши, ўзлари фойдаланган бўёқ идишлари, челақ ва бошқа буюмларни дуч келган жойга иргитиб кетаверишади. Қолаверса, мазкур санъатнинг ёшлар маънавиятига етказадиган салбий таъсири ҳам инкор этиб бўлмайди. Афсуски, "кўча санъати" билан боғлиқ муаммо бизни четлаб ўтати, деб айта олмаимиз. Кўчалардаги айрим турар-жой бинолари деворлари, жамоат транспортларида ахлоқий меъёрларга тўғри келмайдиган, турли беҳаё сўзлар ва расмларга кўзимиз тушганда кўнглимиз хира тартади. Аслида, бундай "санъат" бизнинг миллий қадрият ва маданиятимизга мулкка эид. Қолаверса, айрим клипларда қўшиқчиларнинг ташландиқ жойлардаги деворларда акс эттирилган стрит-арт ёзувлари ёнида туриб қўшиқ кўйлаётгани қандай изохлаш мумкин? Мақсад — бундай ёзув ва расмларни тарғиб қилиши? Ёки бу орқали "замонавий" бўлиб кўринишимиз? Бизнингча, бу савиясизлик, хориж фильмлари ва клипларига кўр-кўрона тақлид қилиш, улардан андоза олишдан бошқа нарса эмас. Санъатнинг маънавийатимизни бойтадиган кучли восита эканини ҳисобга олсак, бу ҳолат ёшлар тарбияси ва дунёқарашига салбий таъсир кўрсатмайди, деб ҳеч ким кафолат бера олмайди. Зеро, четдан кириб келаётган ҳар қандай янгиликни қабул қилиш, унга эргашиш нодонлик ва маънавиятсизликдан ўзга нарса эмас. Шундай экан, ёшларни Ванганга муҳаббат, бой тарихимиз, ота-боболаримиз маънавий меросига ҳурмат, эътиқодига садоқат руҳида тарбиялаш учун, аввало, улар қалби ва онгида мафкуравий иммунитетни кучайтирсак, бундай зарарли одат ва иллатлар таъсиридан уларни асраган бўлаимиз.



лар чизган расмларни ўчириш учун 16 миллион доллар сарфланмоқда. АҚШнинг айрим шаҳарлари, хусусан, Вашингтонда, ҳатто, кўча деворларини расмлардан тазолаш билан шуғулланувчи махсус ишчилар пайдо бўлди. Буюк Британияда 16 ёшга тўлмаган ўспирларга бўёқ пуркайдиган аэрозол балонларини сотиш тақиқланган. Беларусда эса деворларга расм чизиш қамоқ жазоси тайинланишига асос бўлади. Венгрияда эса худди Австралия сингари граффити санъати ишқибозлари учун махсус жойлар ажратилган. Бугун Хитойда ҳам стрит-арт ишқибозларига ён босишга мажбур бўлинаётди: Буюк Хитой деворининг Мутяньюй туманидан ўтган қисмида "граффити худуд" пайдо бўлди. Маҳаллий маъмурият шу орқали Хитойнинг энг машҳур тарихий иншоотини ноқонуний "кўча санъаткорлари"дан ҳимоя қилишга умид қилмоқда. Боис Буюк Хитой девори кўпдан бундан хорижлик сайёҳлар дастидан анчайин зарар кўраётди. Бу ерга келган сайёҳлар иншоот деворларига расм солиш ёки унга ўз исмини ўйиб ёзишни одат қилган. Қўриқчилар ёллаш ҳамда огоҳлантирувчи белгиларни жойлаштиришнинг фойдаси бўлмади. Шу боис девордан сайёҳлар учун алоҳида жой ажратишга қарор қилинди. Энди дунёдаги энг узун обидани томоша қилиш учун келган ҳар қандай сайёҳ зарар етказадиган ҳар бир ғишт учун 120 доллар тўлаб, унга расм чизиши мумкин. Қизиқ, ажратилган махсус жой иншоотнинг тарихий қисми эмас. У Буюк Хитой деворини таъмирлаш пайтида қурилган.

"Шаҳарлар маъмурияти ноқонуний кўча расомларига қарши турли чоралар кўрмоқда, — дейди Москва шаҳар мэрияси маданият департаменти раҳбари ўринбосари Владимир Филиппов. — Бироқ таърих баъзи шунга кўрсатаяпти, фақат тақиқ ўрнатиш билан муаммога ечим топилмайди. Агар шаҳарда бундай расомлар ижод


қилади, уларни қайта тиклашга киришади. Бугун ана шу саъй-ҳаракатлар туфайли Рим даврига оид бир қанча кўча иншоотлар бизгача етиб келган.

Шаҳарнинг Рим даврига оид объеклари орасида Гвадиана дарёси устига қурилган кўприк, айниқса, диққатга сазовор. Кўприк гранит тошдан қурилган. Қадимда кўприкнинг узунлиги 755 метр бўлган. Ҳозирда унинг узунлиги — 721 метр. Шунга қарамай, бу Рим даврига оид, бизгача

гранит тоши ҳамда ғиштдан бунёд этилган бўлиб, узунлиги — 227, баландлиги — 25 метр. Альбаррегас дарёси устида қурилган кўприк эса бу ердаги кўприклар ичида энг қисқаси бўлиб, қарий 100 метр келади. Қадимда ундан қазилма бойликларни ташишда фойдаланилган.

Шаҳарнинг яна бир машҳур иншооти — 15 метрли Трахани аркаси. У шаҳарнинг марказий кўчаларидан бирида жойлашган. Қадимда у шаҳар дарвозаси вазифини ўтаган. Меридадаги миллиодий I асрга оид Диана ибодатхонаси санолатли коринф устунларга эга бўлиб, ўзида Рим меъморчилигининг энг яхши жиҳатларини сингирган.

Мерида театри Испания Колизейи деб аталади. Баланд деворлар, мармардан ишланган устунлар, маъбуд ва император ҳайкаллари унга ўзгача салобат ва улғуворлик бағишлайди. Қадимда театр ўз бағрига 6 минг томошабинни сиғирган. Ярим доира шаклидаги томоша майдонининг узунлиги — 86 метр. Томошабинлар ўтирадиган жой учқисмига ажратилган: қуйи, ўрта, юқори. Қуйи қаторлар бой ва зодагонларга мўлжалланган. Театрнинг 13 чиқ жойи бўлган. Деворларининг баландлиги — 7,5, эни — 63 метрни ташкил этади. Қадимда бу театр ер қатлами остида қолиб кетган. 1910 йилдан бошлаб бу ерда амалга оширилган қазилма ишларида археолог



сақланган энг узун кўприқдир. У IX асрга араблар даврида қурилган Алқасаба қалъасига олиб чиқади. Бугун унинг устидан фақат пиёдалар ўтишига рўхсат берилган, холос.

Лос-Милагрос кўпригининг айрим қисмлари нураб тушганини ҳисобга олмаганда, у ҳам яхши сақланиб қолган. Кўприк

# ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

## 600 килограммли хазина

Испаниянинг Томарес шаҳрида IV асрга оид 600 килограмм оғирликдаги қадимий тангалар топилди. Бу ҳақда РТА-ТАСС хабар бермоқда.



Шаҳар хиёбонларидан бирида иш олиб борган экскаваторчи бронза тангаларга тўла 19 та қадимий Рим кўзаларига дуч келди. Испан археологлари мазкур топилма ўша даврга оид улкан хазина эканини эътироф этди. Бронза тангаларнинг сиртида Рим ҳукмдорлари Диоклетян (245-313), Максимян (250-310), Константин I (272-337)нинг тасвири туширилган. Кўзалардан 10 таси бутун ҳолатда сақланган. Топилмалар Севилья археология музейига топширилди. Тахминларга кўра, бундай тангалардан солиқ тўловларини амалга оширишда фойдаланилган.

## Робот хавфсизликни таъминлайди

Чунцин шаҳрида ўтказилган юқори технологиялар кўргазмасида хитойлик муҳандислар мамлакатдаги илк "AnBot" робот-патрулини оммага таништирди. Бу ҳақда "Синьхуа" ахборот агентлиги хабар тарқатган.



Лойиҳа муаллифларининг таъкидлашича, уларнинг бу иختироси жамоат жойлари — аэропорт, вокзал, метро бекатларида хавфсизликни таъминлашда полициячиларга кўмаклашади. Роботнинг баландлиги — 1,49 метр, оғирлиги — 78 килограмм. У соатига 1 километр тезликка ҳаракатланади. Бир марта тўлиқ қувватлантирилгандан сўнг 8 соат ишлайди. Робот қўқаришга муҳтож одамлар овозини ажрата олиш хусусиятига эга. Қолаверса, робот атроф-муҳит ифлосланганининг олдини олиш, портловчи ва қимёвий воситаларни аниқлаш имконини берувчи қўйимча модуллар билан таъминланиши ҳам мумкин. "AnBot" роботи устида хусусий компаниялар ҳамда Чанша шаҳридаги Мудофаа илмий технология университети мухтаassisлари иш олиб борди.

## Энг йирик велосипед

Бугун ишлаб чиқарувчилар ўз велосипедларининг иложи борича энг бўлишига интилаётган бир пайтда, бельгиялик Жефф Питерс, аксинча, дунёдаги энг оғир велосипедни ясади, деб ёзади "popmech.ru".



"Гиннеснинг рекордлари китоби"га кириш учун Питерс кўлбола велосипедда камида 100 метр йўл бошичи керак эди. Оғирлиги — 860 килограмм, баландлиги — 2,26, узунлиги эса 5,03 метр бўлган байбайт велосипедда у бунга ҳеч бир қийинчиликсиз уддалай олди. Питерс кўп сонли узатмаларга эга иккита велосипед занжиридан ташкил топган механизм — педаллар ёрдамида улкан трактор филдиракларини айлантиришга эришди.

## Рангин дунё

Европадаги Рим даврига оид тарихий обидаларни томоша қилиш учун Италияга бориш шарт эмас. Сабаби, бундай кўча иншоотларни Испания, Франция, Германия, Албания, Ҳатто, Хорватияда ҳам учратиш мумкин. Бироқ Испаниянинг Мерида шаҳрида сақланиб қолган қадимий обидалар сон ва сифат жиҳатидан бошқалардан яққол ажралиб туради.

Қадимда Мерида ўрнида Эмерита-Августа шаҳри бунёд этилган. Унга эраимиздан аввалги 25-йилда Рим ҳукмдори Октавиан Август асос солган. Кейинчалик шаҳар империя таркибига кирувчи Лузитания вилоятининг пойтахтига айлантирилди. Шаҳарда Рим давлатига содиқ хизмат қилган ҳарбийлар истикомат қилган. Бу шаҳар ўзининг унумдор тупроғи, зайтун боғлари билан дунёга машҳур бўлган. IV асрга Эмерита-Августа император Константин даврида Рим салтанатининг энг йирик шаҳарларидан бирига айланди. VIII асрга эса шаҳарни араблар истило қилди. XIII асрга келиб испан қироли Альфонсо IX бу ерда араблар ҳукмронлигига чек қўйди. Бироқ орадан икки аср ўтиб, шаҳар ўзининг аввалги макени кўлдан бой беради — инқирозга юз тўлади.

Испан қироли Филипп Рим тарихига ўзгача қизиқиш билан қарарди. Шу боис у Рим даврига оид ёдгорликларни келажақ авлодга қолдириш ҳақида ўйлай бошлайди. 1560 йилда унинг буйруғи билан таңикил меъмор Хуан де Эррера қадимий Эмерита-Августа шаҳри тарихини ўрга-

# Қадимий обидалар ўлкаси

Хосе Рамон Мелида раҳбарлик қилади. Уни қайта тиклаш ишлари эса ўтган асрнинг 60-70 йилларида олиб борилиб, театр деворларининг олд қисми қайта тикланди. Ҳар йили ёзда бу ерда турли томошалар ўтказиш яхши анъанасига айланган. Уларда Эхил, Софокл, Еврипид, Шекспир сингари машҳур ёзувчилар асарлари асосида саҳналаштирилдиган театр томошалари инсонларни ҳаёлан олис ўтмиш саёҳатига чорлайди.

Бугун Эмерита-Августа шаҳар харобалари яқинида Рим санъати миллий музейи фаолият юритади. Музей меъмор Рафаэл Моне раҳбарлигида бунёд этилган бўлиб, 1986 йил 19 сентябрда унинг очилиш маросими ўтказилган. Музейда кўча шаҳарга тегишли ноёб осори-атикалар, нодир ашёлар сақланади. Бу ерда император ва маъбудлар ҳайкаллари, турли мозаикалар ҳамда уй-ўзғор буюмларини томоша қилиш мумкин. Мерида шаҳрининг қадимий қисмида мунтазам равишда археологик қазилма ишлари олиб борилади. Бу ердан топилган тарихий ашёлар эса, албатта, музейга қўйилиши шарт. Қолаверса, музейда турли халқаро тадбирлар, семинарлар, кўргазмалар ҳам ўтказилади.

1993 йилда Эмерита-Августа шаҳар харобалари ЮНЕСКОнинг жаҳон мероси рўйхатига киритилган.

Саҳифани "Milliy tiklanish" мухбири Шаҳзод ҒАФҒОРОВ тайёрлади.

Эълон  
"Global Savdo Fayz Buxara" МЧЖ бошлангич баҳоси ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!  
"Ўзбектуризм" миллий компанияси Бухоро минтақавий бўлимининг 28.04.2016 йилдаги №01-04/143-сонли бюртма хатига асосан бўлимига тегишли, 2009 йилда и/ч, д/р 80/961 МАА бўлган "LACETTI" русумли авторанспорт воситаси очик аукцион савдосига чиқарилмоқда. Бошлангич баҳоси — 22 000 000 сўм.  
Аукцион савдоси 2016 йил 6 июни куни соат 11:00да савдолар залида бўлиб ўтади.  
Юқоридаги автотранспорт воситаси шу йил 6 июндаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, тақририй аукцион савдоси 2016 йилнинг 21 июни куни соат 11:00да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.  
Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади.  
Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган гаров келишувга асосан, мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда гаров пулини "Global Savdo Fayz Buxara" МЧЖнинг ЧЭКИ "Савдогарбанк" Бухоро филиалидаги х/р: 20208000505017774001, МФО: 00112, ИНН: 302485226 ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт.  
"Global Savdo Fayz Buxara" МЧЖ.  
Манзил: Бухоро шаҳри, Муस्ताқиллик кўчаси, 12-уй. Телефон: (0365) 221-54-43.  
Гувоҳнома рақами №0000034  
Жиматлар лицензияланган

Халқимизнинг анъанау урф-одатлари, миллий байрамлари асрлар оша сайқалланиб бизгача етиб келган. Истиқлол ажодлардан мерос ушбу бойлиқни пухта ўрганиш, уни кенг тарғиб этиш имконини берди. Халқ ўйинлари ва миллий спорт турлари ажодларимиздан мерос ана шундай ўлмас қадриятлардандир. Мамлакатимизда қадимий халқ ўйинларини қайта тиклаш, ривожлантириш ва янада оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Сабаби оддий: халқ ўйинлари қадимдан ажодларимиз маданий ҳаётининг ажралмас қисми сифатида эъзозланади. Чавгон номи билан аталувчи ўйин жуда қадимий ҳисобланади, ўз қоидалари ва кўриниши билан алоҳида ажралиб туради. Берунийнинг "Қадимий халқлардан қолган ёдгорликлар" асарида Наврўз байрамининг қизиқарли ўйинларидан чавгон ишонининг жисмоний ва маънавий тарбиясида муҳим ўрин тутгани таъкидланади.

"Учи эгри таёқ" маъносини англатувчи чавгон отда ўйналадиган жамоавий спорт ўйинидир. Шарқда дастлаб у чорвадорлар ўйини сифатида танилган. Кейинчалик эса отлик аскарларнинг машғулотиға айланган. Шарқ халқлари чавгон тўпини "гўй", эгри таёгини эса "чавгон" деб аташган. Унинг "гўйчав-



# Жаҳонни забт этган чавгон

гон" деб аталганининг боиси ҳам шу. Кўплаб тарихий манбаларда бу ўйин ажодларимизнинг сеvimли машғулотларидан бири бўлгани ифода этилган.

Миллий ўйинлар тарихини ўрганишда Махмуд Қошғарийнинг "Девонулуғотит турк" асарининг ўрни беқиёс. Асарда халқ ўйинларининг бир юз эликдан зиёд тури тилга олинган. Жумладан, чавгон (тўп ўйини) ҳақида ҳам маълумот берилган. Унда чавгон билан уриладиган тўп "тобиқ" дея таърифланади.

Кайковуснинг "Қобуснома"сида эса алоҳида бир боб ушбу ўйинга бағишланган: "Эй фарзанд, (йилда) бир-икки чавгон ўйнасанг равобидир. Аммо кўп отликлар билан чиқмагил, саккиз отликдан кўп бўлмасин. Сен майдоннинг бир бошида тургил, яна бир киши охирида турсин. Олти киши майдонда тўпини урсин. Хар вақт сенинг тарафинга келса, тўпини ургил ва майдоннинг охирига сургил, аммо оломон ичига отмагил, чавгон ўйинининг йўли шудир. Шу билан бирга, марраға етказишга муваффақ бўл. Аммо уруш майдонига кирсанг, суст-кашлиқ қилмагил".

Бундан ташқари, Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг", Абдураззоқ Самарқандий, Абу Абдуллоҳ Рудакий ва Навоий асарларида ҳам чавгон хусусида илмий ва бадиий тафсилотлар баён қилинган. Хусусан, Алишер Навоий ижодида чавгон кўп тилга олинади. "Хайратул-аброр", "Хазойин ул-маоний" каби асарларида "чавгон", "гўй", "чобук" тушунчалари, ўйин тафсилоти ўз аксини топган. Масалан, "эрур" радиопи газалида шундай байт бор:

Хусн майдониди ул кўз  
чобуқидирким анга,  
Холи мушкин гўю зулфунг  
анбари чавгон эрур.

Чавгон ўз қоидалари ва кўриниши жиҳатидан кўпқарига ҳам ўхшаб кетади. Ўйинчилар — "чобук", "чобуксувор" деб аталган. Улар отга миниб, миллий чавандозлик кийимларида майдонга тушганлар. Иштирокчилар икки гуруҳга бўлиниб,

ўртада чавгон тўпи талаш бўлган. Хар икки томондан 5-6 ўйинчи қатнашиб, рақиб дарвозасига ким қанча кўп тўп киритса, ўйин сўнигида ўшалар ғолиб бўлган.

— Чавгон кўлда тутиладиган учи эгри таёқдан иборат бўлиб, хозирги хоккей дастасини эсирлатади, — дейди фольклоршунос олим Маматқул Жўраев. — Ўртадаги тўп шу асбобда рақиб дарвозаси томон олиб бориб, улоқтирилган. Бир соат давом этадиган ўйинда икки марта танаффуслар қилинган. Ўйинни отлик бир ҳакам майдон ичига, пиёда икки нафар ёрдამчи ҳакам эса икки четда кузатиб, тартибга солиб боришган. Кимки қоидадан бузса, ўйиндан чиқариб юборилган. Қоида дарвозага яқин жойда бузилганда, рақиб дарвозасига 6 қадамдан жарима тўпи белгиланган. Загират туғилса, хар икки томон ҳам тўрт марта бир дақиқадан танаффуслар олиш ҳуқуқиға эға бўлган.

Айтиш жоиз, чавгон ўйинининг бутун дунё бўйлаб оммалаштиришда буюк бобокалонимиз, шоҳ ва шоир Захриддин Мухаммад Бобурнинг алоҳида хиссаси бор. Таниқли адиб Пиримқул Қодиров "Авлодлар довои" тарихий романида Хумоюншоҳнинг Ҳамидабону билан танишувини гўзал манзараларда тасвирлайди. Бобурнинг ораси Хонзода бегим раҳбарлигида Наврўз кунлари чавгон ўйини мусобақалари уюштирилган. Қизиғи шундаки, шоҳнинг кўчма тахти олдидаги майдонда қизлар от миниб, чавгон ўйнайдилар. Бу эр йигитлар ўйинида Гўзал Ҳамидабону ўзини кўрсатиб, Хумоюншоҳ назарига тушади ва натижада унинг муҳаббатига қазовор бўлади.

Мирзо Бобур Ҳиндистонда бу ўйиннинг юксак даражада ривожланишиға сабабчи бўлди. 1850 йилда Ҳиндистонда хизмат қилаётган инглиз отлик аскарлари чавгон ўйинига қизиқиб қолишган ва дастлабки мусобақаларни ўтказишган. 1871 йилда Буюк Британияда чавгон (поло) мусобақаси ташкил қилинган. Натижада, спортнинг бу тури у ердан Буюк Британияға кўчди, кейинчалик эса



Европа ва Америка қитъаларидаги мамлакатларға тарқалди, хатто Олимпия ўйинлари дастуриға ҳам киритилди.

Чавгон 1900, 1904, 1920, 1924 ва 1936 йилларда бўлиб ўтган Олимпиада дастуридан ҳам жой олган. Замоनावий чавгон ўйини (хозирда кўплаб давлатларда поло деб аталади) майдонининг ўлчами 274x182 метр, ёғочдан тайёрланадиган тўпининг диаметри 8 сантиметр, оғирлиги 120-135 грамм, икки ёндаги дарвозаларининг эни 8 метрдан, ўйин вақти 56 дақиқа (7 дақиқадан 8 бўлим) давом этади. Мусобақалашаётган икки жамоада 4 тадан отлик ўйинчи қўлларидиғи учи эгри таёқ (кляшма) ёрдамида тўпини рақиб дарвозасига киритишға ҳаракат қилади. Ўйинчиларға учрашув давомида отларини ўзгартиришлариға рухсат этилади. Хозирги кунда чавгон ўйини Франция, Аргентина, АҚШ, Мексика, Буюк Британия, Италия давлатларида кенг ривожланган.

Айтиш жоиз, хар бир халқнинг қадриятлари, авлодларға мерос маданий бойлиқлари хазинасига халқ ўйинлари ҳам қиради. Халқ ўйинлари ўзининг вужудға келиши ва ривожланишиға кўра ғайриоддий ҳодиса эмас, балки халқнинг ҳаётини образли, муайян акс эттирадиган ва жамият тараққийетининг қонунилари билан белгиланадиган мақсадға мувофиқ фаолиятдир.

Истиклол туфайли бугун миллий қадриятлар, миллий онг, тарихий хотира, азалий анъаналар, халқ ижоди қаторида миллий ўйинлар ҳам жадал ривожланди.

Чавгон ўйини ҳам Шарқда пайдо бўлгани ажодларимизнинг нақадар идрокли бўлганиға яққол далилдир. Бу ўйин бугун Фарб мамлакатларида кенг оммалашди, тараққийёт даврининг янги босқичиға кўтарилди, спорт ўйини сифатида тан олинди. Бироқ, мамлакатимизда чавгон ўйинининг оммалашуви, ёшларимизнинг бу ўйинға бўлган қизиқиши талаб даражасида, дейиш қийин.

Ўзбекистон "Миллий тиклаш" демократик партияси ташаббуси билан "Миллий халқ ўйинлари" фестивали ташкил этилиб, унда кўплаб халқ ўйинлари кенг оммалаштириш барчамизни қувонтиради. Ахир бу фестиваль доирасида минглаб ёшларимиз халқимизнинг боқий қадриятлариға ошно тугинмоқда. Бизнингча, халқ ўйинлари бағишлаб ўтказилаётган ана шундай фестивалларда чавгон ўйиниға ҳам мурожаат этилса, унга замоनावий тус бериб, сайқаллаб қайта тикланса, айна муддао бўлар эди. Чунки, ўн асрдан кўпроқ унутилмас тарихға эға ушбу ўйин қадимда ажодларимиз турмуш-тарзининг ажралмас қисми, ёш авлодни жисмоний чиниктириш, саломатлигини, иродасини муотажлаштириш, уларда ор-номус, ҳалоллик, мардлик, ватанпарварлик, бағрикенглик каби олижаноб фазилатларни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

**Ваҳобжон ЎРАЗМАТОВ,**  
Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар республика илмий-методиқа маркази бўлим мудири

## Гилос — минералларға бой

Кунлар исиб, меваларға бирин-кетин ранг қира бошлади. Аввал кулуннайлар юзи қизариб, тутлар бағри болға тўлади. Энди дарахт шохлари орасидан гилослар мўралайди. Ушбу неъмат ўзининг тотли ва тўйимлилиги билан бир қаторда, танимизға куч-қувват, саломатлигимизға даво бўлиши билан ҳам алоҳида ажралиб туради.

Бундан 8 минг йиллар муқаддам ҳам инсониятға мўъжизавий кучини ато этиб келган гилос меваларида кўп миқдордаги фойдали моддалар, витамин ва минераллар мавжуд. Вужудимизда кечувчи моддалар алмашинуви жа-раёнида муҳим аҳамиятға эға кальций, темир, магний, фосфор, калий, натрий минераллари ҳам гилос таркибида кўп. Шу билан бирга, гилос мевалари органик кислоталар, сахароза (фруктоза, глюкоза), РР ва В6 витаминлари, йод, фтор, хром, кремний, никель, рух, марганец сингари микроэлементлар, пектинлар, флавоноидлар гуруҳиға мансуб антоцианларни ўзида сақлаб, саломатлигимизни муотажлашда қўмақлашди.

Гилос гулларида фойдали ва шифобахш асал олинади. Асаларилар бир гектар гилосзордан ўртача 35 килограмм тоза асал йиғиб олишади. Гилос мевасидан табобатда кўпгина касалликларнинг олдини олиш ва даволаш мақсадида фойдаланилади. Жумладан, гилос буйрак ва жигар фаолиятини яхшилаб, қон айланишиға ижобий таъсир кўрсатади. Гипертония билан оғриган беморлар учун фаол бирикмаларға бой тўқ қизил гилоснинг энг фойдали миқдори кунига 250-300 граммни ташкил этади. Артрит, ревматизм, бўғин ва тўқималар оғриқларини камайтириш учун янги узилган ширин гилос мевасининг 15 донаси ёхуд бу меванинг қайнатмасини кунига уч маҳал истеъмол қилиш тавсия этилади. Ушбу қайнатма қуйидагича тайёрланади: 1 литр сув қайнагандан сўнг улға унча тўла бўлмаган бир ҳовуч мева солинади ва паст оловда 7 дақиқа қайнатилади. Сўнгра оловдан олиниб, оғзи бекитилган ҳолда 20 дақиқа дам берилади. Қайнатмадан бир кунда камиди 0,5 литр истеъмол қилиш лозим.

Гилос ичак фаолиятиға ижобий таъсир кўрсатади. Шунинг учун гилос ичаклар атонияси (ичак фаолияти сустайиши), колит (қабзят) ва бошқа ички хасталикларға даво. Гилос шарбати ва қайнатмаси овқат ҳазм қилиш тизими фаолиятини яхшилади. Унинг мевалари таркибида кам миқдорда органик кислоталар мавжудлиги сабабли уни истеъмол қилиш меъда шиллиқ қаватининг яллиғланиши (гастрит) билан оғриган беморларда кислота миқдорининг ортишини келтириб чиқармайди. Шунингдек, гилос меваларида темир ва витаминлар кўплиги боис камқонликда истеъмол қилиш тавсия этилади.

### БИЛАСИЗМИ?

- Вазни 120-150 килолик одам хар қадам ташлаганида бўғимлариға 400-700 килограммға тенг миқдорда юк тушади.
- Олтимидан ўтган одамларнинг кўпчилиги таъм рецепторларининг ярмидан маҳрум бўлади.

### ТУРФА ОЛАМ

## Уч вазифани бажаради

Буюк Британияда Суми Ван исмли фуқаро "eFoldi" электроскутерини ихтиро қилди.



"eFoldi" — оддий электроскутер эмас. Унинг ўзгарувчан дизайни керакли вақтда қурилмани қулай жамадон ёки курсиға айлантириш имконини беради. Унинг яна бир фойдали жиҳати — USB-портлар мавжудлиги туфайли скутер аккумуляторидан гаджетларни қувватлашда фойдаланиш мумкин. "eFoldi"нинг рамкаси муотажлашган бўлиб, скутер учун 100-150 килограммға бўлган оғир юкларни кўтариш муаммо эмас. Скутернинг оғирлиги "AirSafe" аккумулятори билан бирга 19 килограммни ташкил этади. Скутер бундай аккумулятор билан соатиға 10 километр тезлик билан 7 километр масофани босиб ўта олади. Пойгачилар учун мўлжалланган скутерда эса "FarReach" батареяси жойлаштирилган. Бундай ҳолатда скутер 22 километрға яқин масофани босиб ўтиш имконига эға. Оғирлиги 20 килограмм бўлган скутернинг максимал тезлиги соатиға 22 километрни ташкил этади.

Электроскутер 699 евроға баҳоланмоқда.

Ш.ФАҒФОРОВ тайёрлади.

### 3 май — Жаҳон матбуот эркинлиги куни

# Рағбат ва эътибор янги марраларға чорлайди

"Туркистон" саройида 3 май кунини Журналистика соҳасида "Олтин қалам" XI Миллий мукофоти учун халқаро танлов ғолиб ва совриндорларини тақдирлашға бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда сенаторлар, депутатлар, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, матбуот хизматлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этиди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси ўринбосари, "Олтин қалам" XI Миллий мукофоти учун халқаро танлов ташкили қўмитаси раиси У.Мирзаёров ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида оммавий ахборот воситалари изчил ривожланаётгани, журналистлар хар томонлама қўллаб-қувватланаётгани соҳа ходимларини янги ижодий марралар сари илҳомлантираётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ оммавий ахборот воситалари фаолиятиға оид миллий қонуничилик тақомиллаштирилди. Ўзбекистон Республикасининг "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида"ги қону-

ни фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқларини тўла таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қабул қилинаётган қарорлар сифатини ошириш юзасидан масъулиятини кучайтириш, улар фаолияти ҳақида жамоатчиликни кенг хабардор этишға хизмат қилмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган "Олтин қалам" Миллий мукофоти учун халқаро танлов соҳани янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Жаҳон матбуот эркинлиги кунига бағишланган танлов Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Журналистларни қайта тайёрлаш маркази томонидан Ўзбекистон мустанқил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Миллий телерадиокомпания, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Uzreport" ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ҳамкорлигида ўтказилмоқда.

Танлов телевидение, радио, босма оммавий ахборот воситалари ва интернет-журналистика йўналишлари бўйича ўтказилади. Унда битта Бош миллий мукофот, хар бир йўналиш бўйича учтадан мукофот ҳамда "Энг яхши матбуот хизмати" ва "Энг яхши фоторепортаж учун" рағбатлантирувчи номинациялар таъсис этилган.

"Олтин қалам" танловида ўтган йил-

лар давомида 5 мингга яқин журналист 70 мингга яқин ижодий материал билан қатнашган. Бу йилги танловда 510 ижодкор 8 минг 500 га яқин материални тақдим этган.

"Олтин қалам" XI Миллий мукофоти учун халқаро танловда Бош миллий мукофот соҳибни, телевидение, радио, босма оммавий ахборот воситалари ва интернет-журналистика йўналишлари бўйича ғолиблар, шунингдек, "Энг яхши матбуот хизмати", "Энг яхши фоторепортаж учун" рағбатлантирувчи мукофотлар соҳиблари аниқланди.

Танлов доирасида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Мустанқил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди рағбатлантирувчи мукофотларини таъсис этган. Шунингдек, БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси Ахборот маркази, ЮНЕСКО, ЮСАИД, "Минтақавий мулоқот" (Словения), Германия Халқ университетлари ассоциацияси каби қатор халқаро ташкилотлар ваколатхоналари ҳам "Олтин қалам" танловида ўз мукофоти билан қатнашди.

Ижодий лойиҳани ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағлари ҳисобидан молиялаштирилди.

"Тошкент телерадиоканали" ДУК ижодий жамоаси "Олтин қалам" XI Миллий мукофоти учун ўтказилган халқаро танловда Бош миллий мукофотға лойиҳ топилди. Ғолиб махсус диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишонини, статуэткани ва мамлакатимизда белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдоридиғи пул мукофоти билан тақдирланди.

— Президентимиз томонидан медиа соҳа вакиллариға кўрсатилган юксак эътибор ва гамхўрликни, доимий рағбатни кундалик фаолиятимизда хис этмоқдаимиз, — дейди "Тошкент телерадиоканали" директори М.Сафаров. — Мамлакатимизда кечаётган демократик ислохотлар жараёни жамият ҳаётининг барча жаҳалларида, юртдошларимиз тафаккурида, тақдирда мислсиз ижобий ўзгаришлар ясамоқда. Бундай масъулиятли жараёнда журналист сўзининг таъсирчанлигини янада ошириш, ён-атрофдаги воқеа ва ҳодисаларға теран, сезгирлик билан муносабатда бўлиш бизнинг энг асосий бурчимиздир.

Ғолиб ва совриндорларға диплом ва совғалар, пул мукофотлари топширилди. Санъат усталари ва ёш ихрочилар иштирокида концерт намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.Ҳодиев сўзға чиқди.

Назокат УСМОНОВА,  
ЎЗА муҳбири

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Ахрор АҲМЕДОВ, Абдуфазур МАМАТОВ, Улуғбек МУХАММАДИЕВ, Суван НАЖИБУДДИНОВ, Акмал САЙДОВ, Жалолдин САФОВ, Алишер ҚОДИРОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Мухаммадхон ҚУРОНОВ, Исमत ХУДОЕВ

Бош муҳаррир: Бехзод НОРБОВ  
ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темуру кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй  
Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди  
ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Кабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва маҳаллий кенгаш депутатлари фаолияти бўлими: 234-01-47, Партия ҳаёти бўлими: 234-86-41, Маданият, маънавият ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррир биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.  
Ҳажми 4 босма табоқ обсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2  
"ШАРҚ" нашрий-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.  
Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй

